



1956-йил 4-январдан чиқа бoshлаган

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-йил 15-апрел / № 13 (4672)

«ХОН БЎЛСАНГ ҲАМ, ГАДО БЎЛСАНГ ҲАМ БОҒ ЯРАТ»

Турли гул ва дарактларни экиб кўпайтириш, уларни парваришлаб боғ яратиш авлоддан-авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилиб келаётган анъаналаримиздан. Хонадонда фарзанд туғилса, аввало, ерга ниҳол қадалган. Бу хайрли ишда, айниқса, соҳибқирон Амир Темур бутун дунё аҳлига бетакрор намуна кўрсатган. «Ҳамишалиғ таъкид этур эдим, — деган эди Амир Темур, — хон бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан».



Дарактлар барча фаслларда ҳарорат муътадиллигини сақлашга катта хизмат қилади. Айниқса, жазирама ёз ойларида қуёшдан тушадиган иссиқликнинг катта қисмини тутиб қолиб, ер юзасида ҳароратнинг

меъёрдан ортиб кетишининг олдини олади. Шунингдек, инсонга куч-қувват бахш этиб, қон босимини маромига келтиради, юрак ва асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бизни кислород билан таъминлайди.

Сир эмас, даракт экиш ва яшил худудларни кенгайтириш масаласи мураккаблик йилларида кун тартибидеги муҳим масалалардан бири бўлиб келди. Юртимизда ҳар йили баҳорда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлқлари ўтказилди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан оммавий ҳашарлар уюштирилди. Масалан, 2017 йилнинг 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль йўлларидаги кўкаламзорлаштириш ва меъморий-ландшафт қурилушлари тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Республика худудларида 2020 йил куз ва 2021 йил баҳор мавсумларида кўкаламзорлаштириш, манзарали даракт ва бутта кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан, республика худудларида манзарали даракт ва бутта кўчатларини экиш ишлари кучайтирилиши кўзда тутилган. Утган давр мобайнида бу каби тадбирларда миллионлаб тул кўчат экилган ҳақида маълумотлар берилди. Бироқ яшил худудлар кенгайтириш амалда деярли қўзга ташланмади. 2021 йилнинг 2 ноябрида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент бу ҳусусда тўхталиб, "Шунча

йилларда "қоғозда" экилган дарактларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилганининг ҳам кўпи қуриб кетди", дея таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, эндиликда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини пухта тайёргарлик билан, янги ташкилий тизим асосида жорий қилиш, маблағи, эгаси, суғориш тизими орқали амалга ошириш вазифаси қўндаланг қўйилди. Айни кунларда "Яшил макон" лойиҳаси бўйича ишлар юртимиз бўйлаб кенг қўлоч ёймоқда. Масалан, Сергели туманидаги ҳаво ифлослигини юқори даражада бўлган, саноат қорхоналарига яқин худуд — "Қурувчи" мавзесида 4,5 гектар майдонга 2740 тул даракт экилди. Бу жараёнда суғориш ва ёритиш тизимлари, йўлақлар ётқизиш, ўриндиқлар ва чиқинди учун урналар ўрнатиш масалалари ҳам ҳал қилинган.

Мазкур хайрли ташаббус, айниқса, иссиқ иқлимли Қашқадарё вилояти учун нажотбахш омил бўлди. Ҳокимлик хабарига кўра, яқин уч йил ичида вилоятда 90 гектар боғ ва 87 гектар яшил жамоат хибонлари пайдо бўлади. 2021 йилнинг кузига, "Долзарб 40 кунлик" доирасида 7,3 миллион дона кўчат экилган бўлса, 2022 йил баҳор ойларида 6 миллион 772 минг дона даракт ва бутта кўчатлари экилди. Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 200 минг дона мевали ва манзарали кўчатлар ҳамда 1 миллионга яқин терак ва тол новдалари олиб келиниб, маҳаллаларга бепул етказиб берилди.

► 2

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев фармонида кўра, миллий санъатимизнинг ёрқин юлдузи, халқимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев кутлуг 75 ёшга тўлиши муносабати билан давлатимизнинг нуфузли мукофоти — "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Ўзининг ноёб истеъдоди, кўп йиллик самарали ва бетакрор ижоди билан ўзбек кўшиқчилиги санъати ва миллий маданиятимизни ривожлантириш, унинг шон-шўхратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этишга қўшган беқиёс ҳиссаси алоҳида таъкидланган Президент фармони инсон қадри улуғланаётган Янги Ўзбекистонимизда санъат ва маданият аҳлига қаратилган улкан эътибор намунасидир.



Қолаверса, бу йил илк бора нишонланадиган касб байрами — "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни" арафасида соҳанинг етук ижодкорининг шундай юксак мукофотга лойиқ қўрилганида ўзига хос рамзий маъно мужассам: эл ардоғидаги санъаткор Ватанимиз фахри, ғуруридир.

Шерали Жўраев ижодий фаолиятини бошлаганига эллик йилдан зиёд вақт ўтди ва ўзига хос ижод йўли давомида у "Ўзбегим", "Соҳибқирон", "Эгаси бор юрт", "Карвон", "Сарбон", "Инсон қасида-си" каби кўплаб кўшиқлар яратди. Унинг "Биринчи муҳаббатим", "Ёшлигимиз", "Ой юзини", "Ошиқлар сардори", "Дўст бўлсанг, ёнимда тур" каби кўшиқлари халқ мулкига айланиб кетган. Улкан санъаткорнинг турли мавзуларда куйлаган барҳаёт ашулалари халқ қалбидан чўқур жой олган.

Устоз ҳофиз ўзбек санъатида ўз мактабини яратди. Бу мактаб нафақат юксак ижро услуби билан, балки Ватан ва миллат юксак пардаларда куйлангани билан ҳам ўзбек кўшиқ санъатини янги босқичга олиб чиқди. Шунингдек, мумтоз адабиёт намуналари ҳам унинг кўшиқлари қато-

ридан жой олди. Бу мактабда юзлаб ёш санъаткорлар таълим-тарбия олиб, бугунги кунда халқимиз хизматида камарбастидир.

Ҳофиз ўз маданияти, фидокорона меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонди, катта ҳаётий тажрибага эга бўлди. Маълумки, устоз мунтазам ижодий фаолияти билан бир қаторда республика миқёсидаги жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этиб келади. Айни пайтда "Ватандошлар" жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси сифатида хорижда яшаётган юртдошларимиз билан ҳамкорликни кучайтириш борасида самарали фаолият юритмоқда. Хорижий давлатлардаги юртдошларимиз қалбида, онгида Ватан билан фахрланиш туйғусини янада юксалтиришда Шерали Жўраевнинг саъй-ҳаракатлари ибратлидир.

Устознинг кутлуг ёши ҳамда Ватанимизнинг юксак мукофоти "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан чин дилдан муборакбод этамиз! Унга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири

ИНСОН ВА ТАҚДИР

1943 йилнинг эрта баҳори. Майиб-мажруҳ аскарлар билан лиқ тўла вагонлар тиркалган паровоз ҳорғин пишқириб, Шўрчи темир йўл бекатида тўхтади. Вагонлар ичкарасидан инграётган, додлаётган овозлар эшитиларди. Шу пайт бутун йўл бўйи бир оғиз ҳам гапирмаган, ҳатто жоним оғриятти, деб безовта бўлмаган, фақат шифтга термулиб, жимгина ётган аскар Мирза Холмуродов ёлвора бошлади:

— Доктор, докторни қақиринглари!
Ярадорларни кўздан кечираётган доктор кўшни вагондан қақирилди.

— Доктор, Шўрчида тўхтаганимиз рост бўлса, менинг кишлоғим шу ерда, уни Элбён дейдилар. Сиздан илтимос, қариндошларимга хабар бердингиз, агар мени олиб қолишса, ўлсам... кишлоғимда кўмишади. "Йўқ, бу

МЕҲРДАН ТУҒИЛГАН МАТОНАТ

кўл-оёқсиз мажруҳ кимга ҳам керак?", деб рози бўлишмаса, шундоқ темир йўл ёқасига ташлаб кетинг, туғилган тупроғимда қолсин таним...

Эндигина йигирма икки ёшга тўлган бу йигит Белорусь фронти аскарлари сафида жанг қилганди. Қирқ учинчи йилнинг қаҳратон қишидаги шиддатли жанглардан бирида оғир яраланиб бир неча кун қолиб кетди. Ҳарбий дала госпитали санитарлари жанггоҳда ҳалок бўлганлар ва ярадорларни қидираётди, тизза бўйи қор тагидан чала-жон жангчини топиб олишди. Қаттиқ совуқда қор остида қолиб кетган Мирза шу тариқа икки оёғи ва чап қўлидан айрилганди.

Санитар поездидеги ярадорлар орасида Мирза ҳам борлигини эшитган қариндошлар темир йўл бекатида

келишди. Кишлоққа фақат кексалар, ёш болаю хотин-халаж қолган эди. Вагонга Мирзанинг бўласи Поёнбой чиқди, унинг аҳолини кўриб, беихтиёр ўқириб юборди.

— Шу аскар биздан, ташлаб кетинглар, ўзимиз қараймиш унга, — деди у.

Ҳужжатларни тайёрлашгач, аскарни кўрпага ўраб беришди. Поёнбой уни йўрқалган боладай кучоқлаганча олиб кетди.

Мирзага қариндошлари, ҳамқишлоқлари ғамхўрлик қилишар, ўқсиб кўнглини кўтаришга интилишарди. Бу орада уруш ҳам тугаб, аскарлар уй-уйига қайтмоқда эди. Аммо Мирзанинг кўксини армон-ғам кемирдирди:

► 2

ЯНГИ НАШР

2022 йилнинг баҳори ўзбек ва тожик қардош халқлари учун файзли келди, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, гуманитар ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Қондош ва биродар халқларимизнинг ўз қариндошлариникига борди-келдиси янада осонроқ бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон орасидаги барча чегара постлари фуқаролар учун очилди. Эндиликда, Душанбеда Денов, Термизгача, Панжакентдан Самарқандгача бемалол автобусларда бориб келиш мумкин. Авиакатновлар мунтазам йўлга қўйилган.

Март ойида Тожикистонда "Ўзбек киноси кунлари" муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан буюк мутафаккир зотлар — мавлоно Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги ҳақида икки мамлакат киноусталари бадий фильм яратишга киришдилар. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасидан хабар беришларича, аънавий ёш ижодкорлар Зомин семинарининг навбатдаги мавсумида тожикистонлик ҳамда юртимизда қалам тебратётган



латлараро тотувлик ва диний бағрикенглик омиллари билан бевосита боғлиқ. Бинобарин, шўрлар бўлсинки, Янги Ўзбекистонда Тараққиёт стратегияси тамойиллари асосида халқлараро давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, турли миллат ва эллар, диний конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни таъминлаш йўлида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аниқ ва самарабахш ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда яшаётган тожик миллатига мансуб аҳоли учун бир неча телерадиодастурлар эфирга узатилмоқда. Республика миқёсида "Овози тожик", Самарқандда "Овози Самарқанд", Сурхондарё вилоятида "Ховар" газеталари нашр этилмоқда. Нашриётлар тожик тилидаги таълим мактаблари ўқувчилари учун дарслиқлар чоп этиб, ўз вақтида билим

тожикзабон ёш адиблар ҳам иштирок этади.

Минтақавий барқарорлик ва барча соҳадаги ҳамкорликни таъминловчи, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамловчи сарчашма бу, албатта, мамлакат ичидаги улкан имконият ва салоҳият, иқтисодий ва маънавий ривожланиш, мил-

даргоҳларига етказмоқда. Миллий-маданий марказлар, ансамбллар, олий ўқув юртлари бўлим ва факультетлари ҳам фаолият юритмоқда.

Қуни кеча тожик тилидаги босма ОАВ қаторига яна бир нашр — Самарқанд шаҳридаги "Бунёдкор авлод" МЧЖ муассислигида ҳар чоракда бир маротаба чоп этиладиган "Дурдонаи Шарқ" ("Шарқ дурдонаси") бадий ва илмий журнал ҳам қўшилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тожик адабиёти бўлими ҳамда "Маҳорат" матбаа-ижодий уйи билан ҳамкорликда унинг илк сони адабиёт мухлисларига тақдим этилди.

Журнал саҳифаларидан Ўзбекистонимизнинг турли вилоятларида тожик тилида ҳам наср, ҳам назмда ижод қиладиган қаламашларнинг ижод маҳсулидан ташқари, ўзбек адибларининг асарларидан намуналар, жумладан, Абдусaid Кўчимов, Хосият Рустамованинг ҳикоялари, қирғиз шоири Мар Байжиевнинг "Манас" достонидан парча ва бир қатор илмий-оммабоп мақолалар ҳам ўрин олган. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоатчилик фондининг ижрочи директори Олимжон Давлатовнинг Алишер Навоийнинг "Лайли ва Махжун" достонининг то-

жик тилига таржимаси жараёни ҳақидаги "Достони ишқу дард" номли мақоласи ҳам эътиборга молик.

Журналдан Тожикистон, Эрон ва Афғонистон шоирларининг ижод намуналари ҳам жой олган.

— Ушбу журнални таъсис этишдан мақсадимиз, — дейди нашр бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Асадуллох Исмоилзода, — қардош ўзбек ва тожик халқларининг азалий адабий алоқаларини янги давр шароитига мос тарзда давом эттириш, муштарак меросимизнинг эҳодир намуналарини кенг ташвиқ қилиб, диёримизда ўз она тилида ижод қиладиган тожикзабон шоир ва ёзувчиларнинг сара асарларини кенг оммага етказишдан иборатдир.

Янги нашр буюк шоир Абуабдуллох Рўдакийнинг "Ин жаҳонро нигар бо чашми хирад" ("Бу дунёга ақл-ирфон кўзи билан нигоҳ ташлагин") мисраси билан бошланган. Бу эса, ушбу соннинг мазмун-мундарижасини ифода этади, десак муболага бўлмайди.

"Дурдонаи Шарқ" журналы икки биродар ва қондош — ўзбек ва тожик халқларининг бой адабий меросини тарғиб этувчи, дўстлик минбари бўлиб хизмат қилишига аминимиз.

Шоқаҳхор САЛИМОВ

ЁШЛАР ОВОЗИ



ҲАЁТДАН КУЧ ВА ИЛҲОМ ОЛИБ

Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Огаҳий ижод мактаби ўз бағрида юртга, аждодларга муносиб фарзанд бўлиш иштиёқида таълим олаётган ёшларни жамлаган. Педагогик жамоага эса, салоҳиятли устозлар жалб қилинган. Жумладан, огаҳийшунос олим, филология фанлари номзоди, олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мадина Матёкубованинг ҳар бир дарси нафақат ўқувчи-ёшлар, балки ўқитувчилар учун ҳам маҳорат сабоғи саналади.

Ижод мактаби раҳбарияти ва педагог ходимлардан беш нафари жорий ўқув йили арафасида "Мустақилликнинг 30 йиллиги" эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эътибор бежиз эмас, албатта. Устозларнинг меҳнати самараси ўқувчилар эришган ютуқларда кўрилади. Ўқувчиларнинг ижод намуналари бир неча тўпламларда ҳамда алоҳида чоп қилинган фикримизга далилдир. Гулнора Отабекованинг "Чирок ёқиб келган фаршга", Сарвара Каримованинг "Оқ кабутар", Нилуфар Жумабоеванинг "Қалбим оҳанглари", Гулмира Равшанбекованинг "Соҳир сўзга муҳаббат", Зиёда Сапарбаеванинг "Жажжи юрагимда катта дунёлар" каби шеърий тўпламлари мазкур ижод мактабда юрағида шукроналик туйғулари жўш урган, ўз Ватанини чин дилдан севадиган авлод воғая етаётганига ишонч уйғотади.

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Огаҳий номидаги ижод мактаби директори

► 5

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон” боғлари, 37,8 гектар яшил боғлар ва 22 гектар яшил жамоат парклари, бир турдаги дарахт кўчатлари экилган 15 та намунавий кўча ташкил этиш кўзда тутилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор мавсумида дарахт ва буталар, тол ва тераклар экиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 25 мартидан 5 майгача “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Терак новдаларини маҳаллаларга экишдан ташқари, жорий йилнинг баҳор ва куз мавсумида 625 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йуллари ёқаларига 25 миллион

“Бағрикенглик боғи”да диний соҳа пешволари ва расмийлар кўчат ўтказишди. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг 1 март куні Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг баёноти қабул қилинган. Баёнотда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилиб, динимиз таълимоти асосида барчани ушбу тадбирда фаол иштирок этишга чақириш баробарида, қишлоқ-овуларимиз, маҳалла-кўйларимизни обод қилиш орқали юртимизни боғу бўстонга айлантириш назарда тутилган. “Ушбу савобли лойиҳада юртимиздаги барча масжиду маҳаллалар уюшқоқлик билан иштирок этиб, масжидлар ҳудудида яшил маконлар ташкил этиш ва кўчат экиш ишлари фаол

чайиб ёб келардик. Ҳозир кўчада ҳам арча кўпайиб кетди”, дейди яна бир юртодошимиз.

Юртни яшилликка буркашдек хайрли ишлар мавсумий ёки йиллик тадбир эмас. Бу фаолият юрт келажагига дахлдор турмуш тарзи, тарбиявий омилга айланиши кўзда тутилмоқда. Катта харажат ва саъй-ҳаракатлар эвазига экилган кўчатларни парваришлаш ва асраб-авайлаш, маълум бир жиҳатдан олганда, тарбиявий ҳамда маънавий ишлар самарасига бориб тақалади. Пойтахтимиздаги Амир Темури хиббони боғбони Умид Марабоев шундай дейди:

— Йигирма йилдан буён шу майдонда боғбон бўлиб ишлайман. 2007 йил ушбу ҳудуддаги эски чинорлар олиб ташланиб, ёш ниҳоллар экилди. Уларни ўзимиз битталаб ўтказганмиз. Нари борса ярим метр келадиган кўчатларни кўриб: “Булар кўкармайдми-ёв, бир-икки ойда кўриб қолади”, деб шубҳаланганлар ҳам бўлган. Баъзи “ишқибоз”лар сез-дирмай, кўчатларни суғуриб олиб кетган, ўрнига бошқасини экишга

тўғри келган. Боғимиз ҳудудида 400 тупга яқин арча дарахти бор. Ундан ташқари дуб, каштан, магнолия, япон беҳиси, ҳинд сирени, ёввойи дўлана каби манзарали дарахтлар мавжуд. Булар ичидан энг кўп меҳнат ҳамда эътибор талаб қиладигани бу арча. Арчаларга йилда икки марта — баҳор ҳамда куз фаслида озуқа — ўғит берамиз. Баргларига шира тушмаслиги учун махсус асбобда пуркаш йўли билан озуқа дори сепадилади. Илдизи бақувват бўлиши учун ҳам алоҳида озиклантирамыз. Бошқа дарахтларини ҳам ҳудди шундай парваришлаймиз. Бутасимон магнолия Бразилиядан келтирилган. Бу дарахт барг қармай туриб, ҳудди лолага ўхшаб гуллайди. Одамлар суратга тушиш баҳонасида келиб, шохларини синдириб, сўрамай, гулларини узиб кетишади. Бу ер халқимизнинг сайр қиладиган жойи бўлса, манзарали дарахтлардан барча бирдек баҳраманд бўлиши керак...

Оммавийлик касб этган “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кенг кўламли тадбирларда мана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«ХОН БЎЛСАНГ ҲАМ, ГАДО БЎЛСАНГ ҲАМ БОҒ ЯРАТ»

дона терак қаламчалари экилди. Наманган вилоятидан келган тажрибали деҳқонлар терак қаламчалари ўтказиш ва кўчат экиш ишларида яқиндан ёрдам қилишмоқда. Фарғоналик фермерлар кенгаши ва туман масъул раҳбарлари ҳамкорлигида семинар ўтказилиб, унда дарахт экиш борасида янги услублардан фойдаланиш бўйича амалий кўрсатма ва маълумотлар берилди. Қарши туманида 30 минг дона кўчат олиб келиниб, аҳоли хонадонларига тарқатила бошланди. Косон туманида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш бўйича Фарғона тажрибаси ўрганилди. “Чўл иқлимига мос жийда, наъматак, бодом, ўрик каби доривор мева, қарагай, қайрағоч, акция каби манзарали ихота дарахтлари кўчатларини ўтказаямиз, — дейди “Қашқадарё вилояти сув лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти раиси Бахтиёр Авазов. — Уларни суғориш тизимини йўлга қўйиш учун шу ҳудудга энг яқин жойдан ўтган Пистали каналдан сув олиш ва томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш мўлжалланяпти”.

Диний соҳа вакиллари ҳам савоб ишларда намуна ва ўрнак бўлишаётир. Жорий йилнинг 5 апрель куні “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил қилинган

давом эттирилмоқда”, дейилади Мусулмонлар идораси хабарида.

Юрт равнақи ва одамлар саломатлигига дахлдор бу каби тадбирлар шахсан давлатимиз раҳбарининг назоратида, эътиборида. “Мавсум тугашига ҳам озгина вақт қолди. Лекин бу борада қилинган ишлар аҳоли мени хавотирга солмоқда. Айрим ҳудудларда ҳали ҳам ишлар номигагина ташкил этилиб, кўзбўямчилик давом этаётгани тўғрисида менда маълумотлар етарли”, деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев 7 апрел куні ўтказган видеоселектор йиғилишида одамлар мева, кўчатлар экмай қўйганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикри ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилинди. “Самарқанд-Қаттақўрғон йўли чети илгари тўла ўрик бўларди. Ҳозир йўқ. Кесиб ташланган. Юртбошимиз тўғри айтди-лар. Мевали дарахтлар халқни бой қилади. Қорин тўйдиради. Бозорда энг арзон ўрик туршаги 80000 сўм. Бу нима деган гап?” деб ёзади бир иштирокчи.

“Ёшлигимизда кўчаларда олма, ўрик, жийда ва бошқа мева, дарахтлар бўларди. Жийда гулласа, ҳидига маза қилардик. Тўқилган меваларни эгаси пақирга солиб кўйарди, мактабдан келаётиб сувда

иккинчи бор иштирок этишим. Ўтган йили 4-ўринни кўлга киритгандим, голиблик бу йилга насиб этган экан.

«БИЗ ТОПГАН ХАЗИНА»

Ўқш учун берилган 70 асар ичидан менга энг ёққани “Дон Кихот” бўлди. Доимо ўз ҳаётлари билан банд, эзгу, энг олижаноб ва шу билан бирга бечораҳол қаҳрамон. Уни доимо “Менинг Дон Кихотим” дея тақдорлайман. Ана шундай Дон Кихотим билан бирга ғалабага эришдим. Англадимки, ғалаба қозонишда билим билан бир қаторда

омад ва тажриба ҳам муҳим ўрин тутаркан. **Шамшода ҲАМДАМОВА (Бухоро вилояти, 2-ўрин совриндори, Бухоро шахридаги 24-мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси):**

— Бу ерга етиб келгунча туман ва вилоят босқичларида унчалик қийналмадим, сабаби икки йилдан буён танловга тайёрланиб келаман. Асарларни эса ҳозирги кунга қадар камида беш мартадан тақдор ўқиганман. У босқичлар ҳам ҳозиргидек жуда эсда қоларли бўлган. Биринчи шарт шарқлаш эди, бу босқичдан энг юқори бални олдим. Аммо мендан олдинги иштирокчи билан тенг балл йиғавтгандик, уша вазиятда атиги битта саволга нотўғри жавоб берсам ҳам кейинги босқичга

ўтолмасдим. Ўшанда икки балл фарқ билан республика босқичига йўл олдим. Ўтган йили ҳам танловда иштирок этиб, 2-ўринни кўлга киритгандим. Қарангки, бу йил ҳам шундай бўлди. Лекин китобхонлик менга — сабр-матонат,

қаноат бера олдим, билмадим, 2-ўрин ҳам менга 1-ўриндек татияпти, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Ҳозир менга ўқувчиларим ҳам ҳавас қилишади. Ижодкор инсонга ҳамisha суҳбатдош, устоз керак, деб уйлайман. Мана шу иш фаолиятим давомида ўқувчиларимни кузатиб билдимки, шеър ёзишга, ижодга истеъдоди бўлганлари нима учундир алоҳида қобилияти борлигидан уялишаркан. Билмадим, атроф-муҳитдагиларнинг ижодкорларга нисбатан паст муносабати, уларни тан олмаслик, қизиқишларини бекорчиликдек қабул қилишлари бунга сабаб бўлгандир. Аммо улар ўзлиги ва истеъдодларини тушунишларини хоҳлайман, иш фаолиятим давомида ҳам шу мақсадда ҳаракат қиламан.

Эришган натижаларим учун ота-онам ва устозларимга миннатдорчилик билдираман. Билимнинг биз кўрмаган томонлари ҳали кўп экан. Биз топган хазина пул мукофоти ёки “Спарк” эмас, илм-у сабот, аслида. “Граф Монте Кристо” асарида бош қаҳрамон шундай дейди: “Ҳақиқий бойлик қояларга бекитилган хазинада эмас, балки мен қамоқда олган илмда”. Биз топган дур-у жавоҳир ҳам илм ва уни ҳаётда қўлай олишдир. Илм ва ижод йўлидаги сафаримиз хайрли бўлсин!

Шодиёна ХУШМУРОДОВА



Жорий йилнинг 8–10-апрел кунлари бўлиб ўтган “Ёш китобхон” кўрик-танловида иштирокчи ва голибларнинг аксарияти ўқитувчилар бўлди. Танлов бошқа касб эгаларига қанчалик кўп масъулият юқласа, ўқитувчиларда бу юк янада ортади. Сабаби уларни нафақат қариндош-уруғлари, ёр-у биродарлари, балки ўқувчилари ҳам ҳажон билан кузатиб туришади.

Севиш АВАЗОВА (1-ўрин совриндори, Тошкент шахри, ТошДўТАУнинг 4-курс талабаси):

— Голиб бўлганимга ишонгим келмаяпти, ҳудди муъжизага ўхшади. Танловга тайёрланишда ота-онам ва синглим доим мен билан бўлди. Ҳатто баъзан укаларим ҳам уй юмушларига қарашиди. Бинобарин, мен эришган ғалаба, аслида, уларники ҳам. Танловда



Нуриддин ОЧИЛОВ
“Эхтиром”
“Янги аср авлоди”
нашриёти,
2021.



Абдураззок ОБРҮЙ
“Ади-бади”
“Qamar-media”
нашриёти,
2021.



Мухсин ҒАНИЕВ
“Ғалати воқеалар”
“Dilorom Biznes”
нашриёти,
2022.



Зикрилла Неймат ВАФОЙ
“Бухорини соғинмай бўлмас”
“Oltin nashr”
нашриёти,
2021.



Ҳаким САТТОРИЙ
“Ерда юлдуз кўрдим”
“Yangi kitob”
нашриёти,
2019.

Ўзбек адабиётининг забардаст дарғаларидан бири Абдулла Қаҳҳор асарларини бугунги кун ўқувчилари ҳам севиб мутолаа қилишларига шубҳа йўқ. Адибнинг ижоди ҳақида сўз кетганда, китобхонни биринчи жумласиданок боғлаб олувчи мафтункор гузаллиги билан акс этган дурдона асарлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Ушбу китоб муаллифи ўқувчини, аввало, Абдулла Қаҳҳор хонадонини, уй-музейига чорлайди, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ тафсилотлар билан таништиради.

Пародия жанри адабиётда алоҳида ўрин тутади. Бу йўналишда ижод қилиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Машаққатли йўлни танлаган А.Обруй узок йиллардан бери самарали ижод қилиб келмоқда. Янги нашрдан чиққан ушбу китоб ўқувчилар томонидан қизиқиб ўқилса, ажаб эмас. Китобдан юзга яқин ижодкорнинг шеърларига пародиялар, шу билан бирга, муаллифнинг кўлаб янги ҳазилнамо шеърлари ҳам ўрин олган.

Кулиш осон, қудлириш қийин деган гап бор. Ҳажв санъати ҳақиқатан мураккаб саналади. У кундалик ҳаётда учраб турадиган воқеа-ҳодисалар қаламга олинган ҳикояларда турли турмуш муаммолари ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари ва бошқа қарашлар орқали ўзига хос тарзда ифода этиш санъатидир. Китобга киритилган ҳажвиялар мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Аксарият қаҳрамонлар орамиздаги инсонлар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, иқтидорли шоир Зикрилла Нейматнинг ушбу тўпламига жонажон она юрти — Бухорон шарифга бағишланган гузал шеърлари, ғазаллари, қасидалари ҳамда мухаммаслари киритилган. Она Ватан — илҳом ва ижоднинг бош мавзуси. Табарруқ заминда туғилиб ўсган шоир мазкур китобида Бухоронинг қадимий тарихи, узок мезийда бу юрт аҳлининг бошдан кечирган азоб-қувбатлари ва босқинчиларга қарши мардонавор курашларини тасвирлайди. Халқимизнинг азалий орзуси бўлган Истиқлол туфайли ёруғ кунларга етган ватандошларнинг самимий туйғуларини бадий лавҳаларда сувратлантиради.

Адабиётимизда бадий публицистиканинг гузал намуналари пайдо бўлмоқда, ёзувчиларимиз сафида ҳозиржавоб жанр ижодкорлари сафи кенгайди. Уларнинг рўйхатида Ҳаким Сатторийнинг алоҳида ўрни бор. Унинг навбатдаги “Ерда юлдуз кўрдим” китобида ҳам бадий публицистиканинг турли жанрларига ҳос асарлар киритилган. Китобнинг бундай номланишида ҳам теран фалсафийлик ва рамзийлик мавжуд. Ҳаким Сатторий публицистикасининг ўзига хослиги шундаки, унда масалалар аниқ қўйилади, муаммоларнинг илдишлари атрофлича инкишоф этилади.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ЭЪТИБОРДА

Ёш авлодни улғ аждодларимиз маънавий мероси, умуминсоний қадриятлар асосида камол топтириш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш болалар адабиёти вакиллари зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Болалар учун яратилган асарлар эса баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда уларнинг онг-тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу боис болаларни юзаси, саёз китоблардан асраш, янги авлод китобларини яратилиши йўлга қўйиш бугунги кунда жуда долзарб.

Хўш, айна пайтада бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Болаларга мўлжалланган адабиётлар ва бошқа ноширлик маҳсулотларини нашр этиш ишлари қандай бормоқда? Эзилаётган ва чоп этилаётган адабиётлар болалар психологиясига қанчалик мос? “Ғунча”, “Гулхан”, “Тонг юлдузи”, “Класс” каби газета-журналларнинг ўқувчиларга ўз вақтида етиб бориши ва обунаси қай аҳволда?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган “Болалар ва ўсмирлар адабиёти: муаммо ва ечимлар, асосий тақлифлар” мавзусидаги йиғилишда шу каби долзарб саволларга жавоб изланди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ, Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси Ориф Тўхташ, “Гулхан” журнали бош муҳаррири Мухаббат Ҳамидова ва бошқалар иштирок этди.

Кенгашда бугунги кун талабига жавоб берадиган замонавий мавзулар бўйича аниқ ижтимоий буюртма беришни йўлга қўйиш, атоқли ўзбек болалар адиблари номида мукофотлар жорий қилиш, “Болалар кутубхонаси” ружинда мунтазам китоблар чоп этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шаҳзод ЛАПАСОВ

МЕҲРДАН ТУФИЛГАН МАТОНАТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Эҳ-х... Кўп йигитлар эсон-омон қайтиб келиб ишляпти, оила қуришляпти. Мен бўлсам, бутунлай керакисизман. Наҳот, бу дунёдан беному нишон ўтсам?

Мирзанинг изтиробларини билган яқинлари унга бирор маҳрам, суяңчиқ топиш ҳаракатида эди. Лекин икки оёғи ва бир қўли йўқ мажруҳ киши билан умргузаронлик қилишга қайси аёл рози бўларди? Шу ўй уларни иккилантирарди. Такдир ёзуғини аввалдан билиб бўлмас экан. Мирзанинг бахтини қарангки, қалби гулдай нозик, тўлин ойдек бир ҳурилоқ тўйга розилик берди. Мирза Лолаҳон исми бу лобар қиз билан турмуш қурди.

Дунё яралибдики, аёллар мадҳ этилади, кўкларга кўтариб макталади. Аёлни гулга, оламдаги жамики гузалликлар, нафосатлар муликасига қийслайдиган шоир ўзувчилар илгари ҳам, ҳозир ҳам бисёр. Лекин Лолаҳоннинг тантлиги, матонати алоҳида бир ибрат достони. У дуч келиши мумкин бўлган жамики қийинчиликларни, рўзгор ташвишларини ўз бўйига олиб, бу никоҳга розилик берганди. Бир умр аҳдига вафо қилиб яшади. Эрини еру қўққа ишонмасдан парваришлар, бир жойдан иккинчи жойга кўтариб олиб юрар, ҳеч нарсасга зориктирмаслик учун бор кучи, жон-жаҳди билан тиришиб-тирмашарди. Ана шундай меҳр-оқибат туфайли Мирза Холмуроднинг армонлари барҳам топди. Бу меҳрибон аёл уч ўғил, уч қизни дунёга келтирди. Қизлар меҳрга

лим-молим бу фаришта энди ҳам эрига қарар, ҳам болалари ташвиши билан елиб-югурар эди.

Урушдан қолган оғир асоратлар сабаб, Мирза бобо 1975 йили 58 ёшида вафот этди. Собиқ аскарга яримжон ҳолда шунча умр кўриш бахти бағрикенг аёлнинг ғамхўрлиги, садоқати туфайли насиб этган бўлса, ажабмас.

Онаизор энди қолган умрини отасидан жудо бўлган фарзандлари ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун бахш этди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Сурхондарё вилоятининг Қизириқ қўллари ўзлаштирила бошлангач, қариндошлар маслаҳати билан оила чўлга кўчиб келди. Вақт ўтиб, фарзандлар воёга етишди, уйли-жойли бўлишди. Ўғил-қизлар ардоғидаги онахон чеккан заҳматларини унутиб, фарзандлари камолини кўрсатгани учун Яратганга шукроналар айтарди. Ҳозир момонинг ўғиллари Суюн, Рустам, Сафар, қизлари Улжамол, Ирис ва Режаб турли жабҳаларда ҳалол меҳнат қилишмоқда. Момонинг 50 невараси, 70 чевараси бор.

Онахон 2007 йилнинг март ойида 82 ёшида бандаликни бажо келтирди. Аммо у меҳр, бағрикенглик, одабийлик ила ўзига мангу ҳайкал қўйиб кетди. Биз эса бу ибратдан илҳомланиб, марҳум Мирза бобо ва Лола момонинг ҳаёти тўғрисида қисқагина ҳикоя қилдик, холос. Аслида, бу икки инсоннинг садоқат ва меҳр-оқибати, матонати ҳақида тўқис бир асар ёзилса ҳам камлик қилади.

Чори АЛИМОВ,
журналист

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

ХУСНИНГ ШАВҚИ ТУШДИ КЎНГЛИМГА



БАҲОРГА БАҒИШЛОВ

Гулдек нозик қўлчасида
Нозланади бир чинни гул.
Дудогини тутиб қочар,
Дудогимга сочи сумбул...

Гулбаргини соя тутиб,
Яшринади ол ғунчаси.
Ярашибди бир хол бўлиб,
Лабларига тугунчаси.

Мўйқалами солланади,
Сурат чизар, атаб кимга?..
Гул ҳуснидан нуса олиб,
Жойлай бошлар юрагимга...

Майин эпкин сийпалайди,
Қизил гулнинг майин юзин.
Ниғоҳимга тегиб ўтар,
Ниғоҳлари баҳор қизин.

Киприкларим учиб қўнар,
Тушиб олса мақомига.
Тегажоглик қилгим келар,
Гул ғунчасин бодомига...

Шитирлайди боғлар сокин,
Тўлғонади қирмизи гул.
Жилмаяди деразамдан,
Баҳор келди, сочи сумбул...

ҲАЁТ ҚАСИДАСИ

Кўнғир тош остида кўклаган ниҳол,
Ипакдек йўғрилган нурга интилиб,
Митти танасида кўтариб тошни,

Кўкка талпинаркан,
Кетмас титилиб.
Ёруғлик қошида қолади сезиб, —
Тақдир қистовида ўсар экан жим, —
Ҳаётда неки бор — бор қушандаси,
Ҳаётда неки бор — толмаган кўним.
Сезади баридан фалак мосуво,
Поёнсиз бўшлиқда чексизлик тугал.
Замин захматида кўксига тугиб,
Фалакка интилиб ўсади ниҳол.
Унда-да имкон бор топмоққа қадр,
Тугаллик азоби бермиш фароғат.
Игнанинг кўзидек ёруғдан асли,
Қуёшга талпиниб яшамок — қисмат.
Ҳаёт мангу эса инсон табаррук,
Қимтини кўклаган ниҳол зиддият.
Қаршилиқ нуқтаси фазовий бўшлиқ,
Бардош чун яралган тириклик — ҳаёт.
Ипакдек йўғрилган нурга талпиниб,
Азоблар қаърида тўлғониб сим-сим.
Ниҳол қисматида аста тукиб ёш,
Тақдир қистовида ўсаверар жим.
Дард билмас кимсага сўзламоқ огир,
Оғирдир ҳаётда топмоқ мурувват.
Ғамгин кечаларда, о, буюк само,
О, буюк салтанат бер ўзинг қувват.
Игнанинг кўзидек ёруғдан токи,
Ўтмоқлик шавқида ёнгилмасин чоғи,
Бемаврид бандидан узилмасин ҳеч,
Кўнглим ниҳолининг бирон япроғи...

АЙТИМ

Осмониини поралаб,
Юлдузларни оралаб,
Кўкда сузиб борар ой.

Ким қувибди ортидан,
Тушмади ҳеч отидан,
Кўкда сузиб борар ой.

Тундан қаро қийғочи,
Кифтим босди-ку сочи,
Кўкда сузиб борар ой.

Ер думалоқ айлана,
Айланмаса қайдана,
Кўкда сузиб борар ой.

Сомон йўли йўл солди,
Мендан кўнглим ой олди,
Кўкда сузиб борар ой.

Улов билдим танимини,
Садқа қилдим жонимни,
Кўкда сузиб борар ой.

Билмадим не билмайди,
Бир ситилиб келмайди,
Кўкда сузиб борар ой.

Гавҳаримди қароғи,
Икки олам чироғи,
Кўкда сузиб борар ой.

Дедим: менман интизор,
Деди: ўзим дил озор...
Кўкда сузиб борар ой.

Осмониини поралаб,
Юлдузларни оралаб,
Кўкда сузиб борар ой...

КЎНГИЛ

Хуснингни шавқи тушди кўксима,
Гул каби нафис тортиди кўнғил.
Дедим: ҳажрига кўнғил ўксима,
Сўзим назарига илмади кўнғил.
Ул ифор сочди, ишқим тўкилди,
Туйғу жунунавш, олам мунаввар.
Кўз гавҳаридан иплар сўкилди,
Ғолиб келди, ваҳ, яна суманбар.
Бунда жисмимда жоним ўзгача,
Кўксим ёнодир, ёри жон, найлай.
Ишқи чорляядур, қоним ўзгача,
Етмаски сабрим, ичғун ховчулай.
Етқайим тоқат, завқим олу ранг,
Менда у йўл солди, ҳолим йўқ, инон.
Етақлаб кетар бир ажиб оҳанг,
Ишқи ўт қасри оташи аён.
Хуснингни шавқи тушди кўксима,
Гул каби нафис тортиди кўнғил.
Дедим: ҳажрига кўнғил ўксима,
Сўзим назарига илмади кўнғил..

БОЛАЛАР ИЖОДИ

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 61-мактабнинг 9-синфиди Баҳовуддин исмли бола таълим олади. Ўзи камгап ва камтарин бу ўсмир мени, биринчи навбатда, меҳнатсеварлиги билан ҳайратга солди. У мактабда яхши ўқиш билан бирга бинойидай суратлар чизаркан. Ундан расмлари, бу борада эришган ютуқлари ҳақида сўраганимда тайинли жавоб олишнинг имкони бўлмади. Шундан кейин дастлаб унинг мўъжазгина устахонасига ва у қатнашиб келаётган тўғаракка боришга тўғри келди. Ёш мусаввир ҳақида унинг дўстлари, чизган расмлари, олган дипломларию фахрий ёрлиқлари сўзлади.

Баҳовуддиннинг отаси Исахон ака ҳам ҳар кун ишдан сўнг ўғли билан шуғулланарди. Шу жараёнда фарзандининг бир фазилати эътиборини тортади. Ўқитувчи ўғлига табиат манзараларини чизиб бўйича ҳам топшириқ беради. Шунда атрофдаги олам, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини болакай анчагина ёрқин чизаётгани кўзга ташланарди. Ота ўғлидаги бу қобилиятни ўзи топшириқлар бериб ҳам синаб қўрди. Шундан кейин Исахон ака Тошкентни айланиб, ўғлига тасвирий санъатни ургатадиган



мураббий қидира бошлади. Шундай мураббийни топди ҳам. Айни ўзлари истиқомат қилаётган даҳада, яъни Авиасозлар маданият саройида тасвирий санъат тўғараги бор экан. Тез орада "Қалибри" деб номланган арт-база раҳбари Ольга Яикова Баҳовуддинга сабоқ бера бошлади. Ольга Вячеславовна унга мавзулар берадиган, мавзуни ёш мусаввир ўз ғоялари билан қандай акс эттирганини текширадиган бўлди.

Хуллас, тўғаракни ҳам, мактабдаги ўқишни ҳам уйдлашайча тўғри келган. Баҳовуддиннинг дастлабки ишлари тенгкурларининг эътиборини тортди. У катта иштиёқ ва илҳом билан яна янгиликларини чизишга киришди. Ниҳоят, манзаралар чи-

зишга ўтди, рангтасвир билан шуғуллана бошлади, кейин графикага қўл урди. Шундай қилиб, ёш мусаввир ижод дунёсига кириб келди.

Унинг илк ишлари 2016 йили Минск шаҳрида ўтган "Ўз еримизда" деб номланган графика ва рангтасвир танловида муносиб баҳоланди. 2017 йили у Ўзбек-Япон

маданият марказида 10 — 12 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган "Болалар расмлари" танловида қатнашди. Унинг иши Ҳайъат раиси, Марказ раҳбари Таката Хирохико томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси, 2021 йилнинг энг яхши ўқитувчиси сифатида эътироф этилган тўғараги раҳбари Ольга Яикова шогирди ҳақида шундай дейди: — Мен Баҳовуддин билан бир неча йилдан буён шуғулланаман. Унинг тафаккури тоза, ёрқин, фантазияли кучли. Шунинг учун топширилган мавзуларни атрофича, образли ифода этиб бера олади. У кейинги пайтда графика жанри билан жиддий шуғулланмоқда. Ҳозир ишлаётган фантастик асаридеда сув ва қуруқликда бирдай юрадиган машиналари бўлган, келажакдаги бошқа сайёраликлар билан муомала қиладиган Венеция тасвирланмоқда. Шунинг айтишми керакки, бу йиғитчада интилич ҳам, меҳнатсеварлик ҳам, иқтидор ҳам етарли. Ундан умидимиз катта.

Баҳовуддин ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ҳам ижод қилади. Бу мавзудаги асарлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлиқда ўтказган кўрик-танловда юқори баҳоланиб, "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирланди.

Шу сингари беллашувларнинг яна бири ёш мусаввир ижодидеда ва ҳаётида алоҳида из қолдирди. 1999 йили БМТ Бош

Алижон ЗОҲИДИЙ



ОРЗИҚИШ

Бугун боғ кездим мен қизларим билан,
Ўзгара бошлабди дарахтлар туси.
Уфурмоқда чирик хазон остидан
Намхўш тупроқларнинг илоҳий иси.
Очилиб қолибди куртаклар лаби
Сочимни тўзғитиб ўтди бир насим.
Базйни узатган қизларим қаби
Учиб келар энди қалдирғочларим.

Жаннатларни кўрсин ҳар йил деб бандам,
Баҳорни келтирар Аллоҳи Карим.
Ҳа демай етти қат ернинг остидан
Мужда олиб чиқар ҷумолиларим.
Одам Ато, Момо Ҳавомни кўрган
Кавсар булоқлари биқирлар, жўшар.
Остонамда бугун уялиб турган
Қўклам худди янги келинга ўхшар.

Оқ булут самода биллурдай тиник,
Эслатар онанинг оқ сочларини.
Бағри айни отам кўксидек иссиқ,
Қўклам очмоқдадир қўлчаларини.
Эҳ, мени кутмоқда Ургут тоғида
Фирдавс боғларига ўхшаган чаман.
Эсим танимманки севаман жуда,
Эллик иилки, уни ёниб кутаман.

Билмадим, жаннатдан чиқадир балким,
Қапалак, ниначи, арилар бари.
Уларга тикилиб яшарар қалбим,
Тарк этар дунёнинг муаммолари.
Барчани кечиргим келар бу дамда,
Кўнглим бўлиб борар шафқатга мойил.
Фаришта уйғонар ҳар бир одамда,
Шу фасл ёшликка қайтаман ҳар йил.

Ўззукун яғринни босганча чимга,
Ҳайл сургим келар бундай зўр маҳал.
Ҳар қишининг сўнггида тушар ёдимга,
"Бойчечак" айтганим эллик йил аввал.
Тахайюн кинонинг тасмаси мисол,

РАМАЗОН ИЛҲОМЛАРИ

Кўзолдимдан ўтар шодлик, нола ҳам.
Биринчи муҳаббат ҳамда илк висол,
Қирларда қўй боққан сариқ бола ҳам.

Бу фасл совғалар берар хилма-хил,
Ризқи тугамаган, албатта, олар.
Аммо жудоликсиз ўтмайди ҳар йил
Қанча одам қишдан чиқолмай қолар.
Илҳомим жўшади, тинмайди қалам,
Заминда, самода жаннат суврати.
Расулulloҳ қаби ғўзалдир кўклам,
Баҳор бизга Ҳақнинг улугъ неъмат!

ТОНГ ТУМАНИ

Туманни эркалаб оқичлар баҳор,
Ундан ҳайратланар ёшдир, қаридир.
Туман — заминда энг муқаддас асрор,
Туман малакларнинг қанотларидир.
Унинг пардасида сир ётар минг-минг
У сақлар хиднинг энг муттарини.
Унда кўргандекман Расулulloҳнинг
Жаҳонда энг ғўзал сиймоларини.

Кимларгадир балки у оддий тутун,
Гарчанд у буғлардан яралган чаман.
Ўзгани билмадим, аммо мен учун
Жаннатни эслатар негадир туман.

Уни суйганим-чун толеим қулиб,
Илоҳий ишорат билингай менга.
Туманлар ортидан бир куни келиб,
Жамийлнинг жамоли кўрингай менга.

ВАҚТИ КЕЛАДИ ДЕГУВЧИЛАРГА

Қизиқ жуда инсон хилқати,
Шуурида минг турфа хатар.
Ҳеч нарсанинг келмас фурсати,
Вақт келмайди, у фақат кетар.

Ичгунингча бир пиёла чой,
Манглайингда ажинлар тароқ,
Бир фурсатда яшапти минг ой
Кеча "инга" деган қақалоқ.

Вақт тезоб дарёга ўхшар,
Ё Гурўғли Гиротларига.
Борлигимиз олганча кетар
У кўринмас қанотларида.

У баробар барчамиз учун
Бўлсанг ҳамки ношуд ё олғир.

Биз ёнмоққа тайёр бир ўтин,
Вақт саралаб ўтирмас бир-бир.

Бугунинг бу — Ҳақнинг неъмат,
Бил, минг йиллаб толе қулмайди.
Солиҳ ишнинг келмас фурсати
Ибодатнинг вақти келмайди.

Охиратнинг озиғи учун
Савоб ишга вақт ажрат бир пас.
Кеча кечди бамисли куюн,
Эрта эса келар, ё келмас.

Вақт келар деб алдама ўзини
Он шу ондир, замон шу замон.
Худойимга тикканча кўзини
Барчасига улғур, жўражон.

Бўлсанг ҳамки соғлом ё хаста
Тунинг — омад, ҳар бир кунинг — бахт.
Уловини қичаб бир пасда
Ҳижрат учун келиб қолар вақт.

**Нечун уйғонади қайтадан баҳор,
Нечун инсон умри бўлмағай тақрор?
А.ОРИПОВ**

Замҳарир кунлар ҳам орқада қолиб
Тоғда, далаларда, қирда, сўқмоқда,
Раҳмат ёмғиридан қониб, қонолиб,
Менинг боболарим ўсиб чиқмоқда.
Майсага айланиб ўсмоқда вужуд —
Кўмиқлар, суяқлар, кўзлар ва бошлар.
Қўкламнинг меҳрини қилолмай унут,
Униб чиқмоқдадир ердан ердошлар.

Ҳижрат онлари бу — бошланди сафар,
Ниҳоят, қиш отлиғ қафасдан бўшаб,
Қайтадан дунёга келмоқда улар,
Бири гул, бошқаси тиконга ўхшаб.
Тирилмоқда дарахт, тирилмоқда чим,
Ана йиғлаб-йиғлаб чекинмоқда қиш.
Бу оддий баҳормас, бу битта тилсим
Мени Мажнун қилган буюк зерилиш.

Она ер бағрига зан-эр, ёш-қари
Одам қўйилмишдир минг-минг қарралар.
Рухимга жондайин танишдир бари
Архей эрасидан қолган зарралар.
Билмадим, неча йил кечгайдир яна,
Ўтганлар тақдирин кўрганча баҳам,
Янги уруғларга бўлиб бошпана
Ўсиб чиқажақмиз Сиз билан биз ҳам!

Алишер НУР

НОН ИСИН ТАРАТАР ТАНДИРЛАР



ДЎМБИРАМ

Алпомшдай алп ўғлонлар шавқатини,
Барчинойдай сулув қизлар қалб хатини,
Қоражондай дусту ёрлар fairатини,
Куйга солиб, қўшиқ қилган дўмбирам.

Адирларнинг яшил тусли бўёгини,
Бойчибордай дулдўлларнинг тувёгини,
Чамбилбелдай ҳур элларнинг маёгини,
Куйга солиб, қўшиқ қилган дўмбирам.

Ёдгоржоннинг тўқсон томир толасини,
Қалдирғочнинг "оғам" деган ноласини,
Гурўғлининг икки шунқор боласини,
Куйга солиб, қўшиқ қилган дўмбирам.

Бахши бобом — Жуманбулбул овозини,
Ой, юлдузнинг ёғду номли сарбозини,
Шеър қўшининг кўкни кучган парвозини,
Куйга солиб, қўшиқ қилган дўмбирам.

СУЛУВ ҚИЗ

Улоқ чолган йигитман,
Тоғлар ошган бургутман.
Сулув қизни кўрсам,
Ёмғир тўқан булутман.

Олов кўнган юзимга,
Қулоқ солгин сўзимга.
Барчинойдай сулув қиз,
Ёр бўлгин-а ўзимга.

Сулув қиз-о, сулув қиз,
Қора қоши камалак.
Сулув қиз-о, сулув қиз,
Сочи сумбул жамалак.

Чанқовузинг чаламан,
Куч-қувватга тўламан.
Муҳаббат дostonида
Алпомшнинг бўламан.

Тоғу тошнинг қориман,
Боғларнинг баҳориман.
Қодир худо қўлласа
Сулув қизинг ёриман.

ХАЛҚОНА

Толқон туйдим келида,
Асқартовнинг белида.

Битта терма айтайин,
Бугун ўзбек элида.

Совчи келар қизларга,
Ойдай санам юзларга,
Қиз суймаган жигитлар
Кўксин босар музларга.

Омад келар бургутдай,
Ёниб турган ёқутдай.
Тутолмасанг қўл билан,
Учиб кетар булутдай.

Ота-она кўргондир,
Қолганлари ёлғондир.
Дўмбиранинг товуши
Кўп қадимдан қолғондир.

Заргар зарнинг эгаси,
Борми кўнғил чегаси?
Юнус, Мисқол парилар
Гурўғлининг бекаси.

Қўшиқ амежи яллада,
Она меҳри аллада.
Иймоннинг бутунлиги
Тош-тарози, паллада.

Кўз гавҳари юлдузда,
Қалб қувончи кундузда,
Баҳорнинг ҳубўй хиди
Ариқдаги ялпизда.

Шаршара — соч толаси,
Мўъжиза — ишқ қалъаси,
Муҳаббатга парвона
Азал инсон боласи.

Ёруғ қилиб оламни,
Аллоҳ, асра боламни.
Токи жоним бор экан,
Синдирмагин қаламни.

ОҚТОВДА ҚИШ

Мўрилар уйғонар азонда,
Қуртоба қимирлар қозонда,
Сувбулоқ биқирлар қумғонда,
Оқтовда қиш тонги отганда,
Чақмоқтош оловни сотганда.

Неварга эркалар кампирлар,
Нон исин таратар тандирлар.
Тин олар дала-дашт, адирлар,
Оқтовда қиш тонги отганда,
Тарновлар таёқдек қотганда.

Қумуш қор ялтирар рўмолдек,
Белурак иш излар ҳаммолдек.
"Жўш бозор" қўринар даллолдек,
Оқтовда қиш тонги отганда,
Тўлин ой чўққига ботганда.



РАНГЛАРДА КЕЛАЖАК АКСИ

Ассамблеяси ЮНЕСКО ташаббуси билан Жаҳон маданият йили доирасида "Жаҳон болалари чизади" бутунжаҳон лойиҳаси эълон қилинди. Бир неча йил давом этган бу ижодий беллашувда дунёнинг турли минтақаларидан болалар иштирок этишди. Мазкур лойиҳага Марказий Осиёдан қатнашганлар Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида тўпландилар. Тай-Самал сайёҳлик базаси ижодий беллашувлар маконига айланди. Бу лойиҳа доирасидаги пленарда Баҳовуддин иштирок этиб, очиқ ҳавода бир ярим соат ичида акрил билан этюд чизди. Танловда Марказий Осиёда яшовчи 5 нафар ёш ижодкор ғолиб бўлди. Улар орасида Баҳовуддин ҳам бор эди. Шу танлов якунари бўйича Баҳовуддин Баҳодиров ЮНЕСКОнинг экспертлигига номзод қилиб олинди.

Орадан бир йил ўтиб, шу лойиҳа доирасида Остона шаҳрида "Ижод сайёраси" номли халқаро танлов бўлди. Унга Баҳовуддин пуантилизм услубида чизилган символик манзарасини жўнатди ва танлов ғолиби деб эълон қилинди. Якуний анжумани ўтказиш учун ғолибларнинг Марокашга бориши мўлжалланган эди. Аммо ижодий беллашув иштирокчилари уйга қайтганларидан кейин яна бир ўзига хос имтиҳондан ўтишди. Ҳайъат уларнинг ҳар бирига алоҳида топшириқ юборди. Баҳовуддинга хаелга толган инсон қиёфасини тасвирлашдан иборат синов келди. У вазифани талаб қилинган

муддатда уддалаб жўнатди. Тез орада унинг иши юқори баҳоланиб, Марокашга йўлланмани қўлга киритгани, шу билан бирга, ЮНЕСКОнинг ҳақиқий эксперт-лигига қабул этилгани ҳақида хушхабар келди. Бундай экспертлик мамлакатимизда биринчи бўлиб Баҳовуддинга насиб этган эди.

Бугун ёш мусаввир жаҳоннинг турли қадимий шаҳарларидаги тараққиёт босқичларини тасвирламоқда. Мукофотга сазовор бўлган асарларидан бирида италияли маърифатпарвар аёл Франческо Копечи шогирдлари билан бирга тасвирланган. Шундай асарларидан бирида замонавий автомобил тасвири ҳам бор. Бу ёш мусаввирнинг иқтидорли инженер-мусаввир сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди.

— Ҳар бир ўсмир эртанги кунини кўра олса, келажакни бизнинг Баҳовуддин сингари уйласса, бутун жамиятимизда ижобий ўзгаришлар кўпаяверади, — дейди ёш мусаввир таълим олаётган умумтаълим мактаби директори Гулнора Исломова. — Расомлик ҳунарини эгаллаётган ўқувчимиз ҳам аълочи, ҳам энг одоблилардан бири ҳисобланади.

Баҳовуддиннинг асарлари турли кўргазма ва танловларда намоиш этилмоқда. Ундан келгусида таниқли ижодкор етишиб чиқса, ажаб эмас.

Рашид РАУФ

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Адабий танқиднинг жиддий оқсаётгани – шоён ҳақиқат.

Шу фикрни адабиётшуносликка татбиқ қила оламизми? Менингча, йўқ.

Адабиётимизнинг барча соҳалари ва даврларига оид кўплаб китоб ва тадқиқотлар чоп этилмоқда. Навоийшунослик, бобуршунослик бўйича илмий конференциялар ўтказилиб, уларнинг материаллари китоб ҳолида нашр этилмоқда. Ҳозир, пойтахтдан ташқари, айрим вилоятларда ҳам иш олиб бораётган илмий даражалар берувчи Илмий кенгашларда филология фанлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун юзлаб диссертациялар ҳимоя қилинмоқда, уларнинг бир қисми алоҳида китоб ҳолида нашр қилинмоқда. Бу адабиёт илми соҳасида бутун бир мутахассислар армияси дегани.

Лекин, таассуф билан айтиш жоизки, уларнинг тақрибан 95 фоизи адабий жараёнда, яъни яратилаётган адабий маҳсулотга баҳо беришда илтироқ этмайди ёки илтироқ эта олмайди. Янги асарга профессионал баҳо бериш барча адабиётшунослнинг қўлидан келмайди, шеклилли. Шу ўринда филология фанлари доктори Н.Жумахўжанинг "Бадиий адабиётнинг ҳимоя имунитети" ("Сарчасма мавжлар", мақолалар, "Mashhur press" нашриёти, 2016) мақоласидаги фикр айни мўдадо: "Адабий танқид замирида тадқиқотчилик ҳам бўлади. Аммо, шуниси ҳам борики, ҳар қандай адабиётшунос танқидчи бўла олмайди. Яъни танқидчилик ҳам ўзига хос нодир истеъдоддир".

Мулоҳазаларимизни ўтган йили чоп этилган ва жамоатчилик эътиборига тушган адабий-танқидий тўпламлар, монографияларга доир кузатишларимиз билан давом эттирсак.

Адабиётшунос, филология фанлари доктори Илҳом Ғаниевнинг уч китобдан иборат "Адабиёт ва тарих фалсафаси" тадқиқотининг учинчи китоби "Рауф Парфи Ўзтўрқ дунёси" ("Muhammad" нашриёти, 2021) деб номланган. Шу пайтгача бу шoir шахси ва ижоди ҳақида талайгина китоблар чиқди. Мен бу ўринда Нўмон Раҳимовнинг ва Олим Тўлабоевнинг китобларини ҳам кўзда тутайман. Лекин И.Ғаниев китоби ҳам ҳажм жиҳатидан, ҳам шoir ижоди ялпи қамраб олингани жиҳатидан алоҳида хусусиятга эга.

Китоб тўлиғича Рауф Парфи шеърлари таҳлиладан иборат, таҳлиллар ҳам бадиий-эстетик, ҳам маърифий аҳамиятга эга. Муаллиф китобхонни, айниқса, ёш авлоддан нафақат шоирнинг бадиий олами билан таништиради, балки шеърларида тилга олинган факт ва муаммоларни атрофлича шарҳлайди. Жумладан, унинг қуйидаги фикрига ҳам қўшилиш мумкин: "Мен қайсарларча, яна бир фикрда қатъий тураман. Рауф Парфи XX асрнинг иккинчи ярмида миллий шеърят аънаси анатомиясини янгилади. Унинг шеъриятида патология анатомия бор... Унинг ишларида миллий шеър аънасалари анча жиддий эврилди, десак муболаға бўлмас". "Патологик анатомия" махсус термин, у оғриқли жараёнлар натижасида одам организми ва ҳужайралар тузилишида руй берадиган ўзгаришларни ўрганади. Шоир шеърляти ҳам ўзбек жамияти ва миллат руҳиятида кечган оғриқли жараёнлар бағрида шаклланди, деганидир бу.

Айни шу гапдан кейин муаллиф шоир ўзлигини, таъсир кучини шундай аниқ белгилайди: "Рауф Парфи шеърларининг руҳий қувват манбаи собит эътиқод, иймон бутлиги". Бу икки хислат ўта ноёб белги бўлиб, ҳатто ҳар қандай кучли шоир ҳам бундай синонга чидаш беролмайди. Айниқса, собиқ совет тоталитаризми шароитида.

АДАБИЁТ, ТАНКИД ВА ИМОН

Энди китобдаги айрим жиддий ва майда камчиликлар ҳақида. Бир ўринда муаллифнинг инсониятнинг нурли сиймолари қаторида файласуф Ф.Ницше ни санайди. У нурли эмос, айнан нурдиз сиймо. "Худо ўлди, энди ҳамма нарсаси (асосан, маънавий бузуқлик) мумкин" деган дахшатли деструктив гоя Ницшега тегишлики, у беҳиз фашизмнинг маънавий падари бўлган эмас.

Китобнинг кўплаб жойларида машҳур З.Фрейд ғоялари ҳақида эҳтиром билан гапирилади. Р.Парфи маънавий тоза шоир, унинг шеърларининг Фрейдга тегишли "Эдип комплекси" каби гоя ва туйғуларни излаш нўйрин.

Умуман олганда, И.Ғаниевнинг ушбу китобини қисқача таърифлаш жоиз бўлса, бу — "Рауф Парфи Ўзтўрқ ижодининг кичик қомуси" дейиш мумкин ва бу адолатли баҳо, бизнингча. Китоб охирида "Рауф Парфи Ўзтўрқ шеърларида қўлланган бадиий санъатлар" иловасида санъатларнинг тури ва унга конкрет мисоллар кўрсатилади. "Ўз-ўзини таҳрир санъати" иловасида "Она тилим" шеърининг бир неча вариантлари ўрганилса, "Шоир қачон туғилган?" иловасида ушбу масалага ойдинлик киритилади.

Филология фанлари доктори Исмоилжон Ёқубов "Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси" китобида мустақиллик даврида турли метод ва услубларда яратилган романларни илмий проблемалар кесимида профессионал даражада тадқиқ қилган. Китобда янги давр ўзбек романининг бадиий-эстетик қиёфаси ва тасвир-ифода табияти очиб берилган.

Монография мундаридаги аниқ ва пухта тузилган. Биринчи боб роман поэтикаси тушунчасининг замонавий талқинлари, янгиланаётган миллий романларда синтетизмнинг (синтезлашув деса ҳам бўларди — С.М.) намоён бўлиши, мини-роман яратиш

йўсинидаги экспериментал изланишлар каби масалаларни қамраса, кейинги боб роман структурасида аънавий мотив ва тисмоллар, мистик-фантастик романнинг ижодий имкониятлари, роман-миф ва мифопозиция каби илмий масалаларни ўз ичига олади. Учунчи бобда янада қизиқ ва долзарб масала: "Роман структурасида эсселашув жараёни ва поэтик ифода ракурслари" тадқиқ қилиниб, унда маърифий-биографик романда ёндашувлар синтези, роман-эссе ғоявий-бадиий концепцияси: баёнчи "мен" образи ҳамда роман-эсседа индивидуал услуб ва поэтик маҳорат масалаларига диққат қаратилади.

"Модерн романда бадиийлик модустлари" бобида икки масала, трагик ва сатирик модустлар — эстетик аналогия воситаси ҳамда мажозий, ҳаёлий-парадоксал поэтик ифода муаммолари атрофлича, ётуқ илмий савияда ўрганилган. "Миллий романчиликда онг оқимига хос поэтик ифода шаклларида фойдаланиш мумкин. Аммо Ж.Жойс методи ўзбек романчиликда ҳеч қачон ўзини оқламайди. Чунки бизда инсон онг қатламларида пайдо бўлган бетартиблик ҳолати, табиий тарзда, тартиблилик билан алмашади", деб ёзади муаллиф.

Бу нозик кузатиш ва қуқур фикр бўлиб, ижодкорлар учун фойдали оғоҳлантиришдир. Албатта, биз ушбу фикримизни ҳужм сифатида тақдим этмаймиз.

Монография "Ўзбў"сида Истиқлол даври ўзбек романлари поэтикасидаги қатор ўзига хос белги ва қонунларини ҳам кўрсатилиши билан бирга ундаги қатор камчилик ва нуқсонлар аниқ қайд этилган.

Ўтган йил нашр этилган филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримнинг "Истиқлол адабиёти: назм ва наср" китобида, қисқа тарзда бўлса-да, мустақиллик даври ўзбек шеърляти ва насрининг машҳур, кўзга қўринган вақиллари асарларига тўхталганида, улар баъзан йўл-йўлақай, баъзан батафсил, қуқур таҳлил ва талқин қилинади. Тўпламнинг "Кириш"идаёқ истиқлол даври ўзбек адабиётининг хос қирралари белгиланади: "Янги давр ўзбек адабиётинида мавзулар кўламини кенгайтиди. Аввалги адабий сиёсий муҳитда қаламга олишнинг имкони бўлмаган: 1) ўзбек миллатининг шаънини улуғлаш; 2) мустақил Ватан қадрини тавсифлаш; 3) миллий қадриятларни эъзозлаш; 4) шонли миллий тарих билан фахрланиш; 5) ажод-алломаларнинг дунё тамаддунида тутган ўрнига диққат қаратиш; 6) диний-маърифий тушунчаларни бадиий талқин қилиш каби бир қанча адабий мавзулар асосий ўринга чиқди".

Қайд этиш лозим, муаллиф катта адабий материални синчиклаб ўқиган, урганиб чиққан. Ҳар бир мулоҳаза бошида ёки ўртасида асарлар (муаллифлари билан, албатта) санови келтирилади, ҳоҳ ҳикоя, ҳоҳ қисса, ҳоҳ роман бўлсин. Улар орасидан айримларигагина эътибор қаратилади. Бошқа имкон ҳам йўқ.

Зуқко ва қамтар адабиётшунос Олим Олтинбековнинг "Миллий шуур шўбласи" ("Roytact exclusive", 2021) китоби

би асосан Рауф Парфи ижодида бағишланган мақолалардан иборат. Тўплам "Жаҳид шеърлятида истибод ва истиқлол" номли мақола билан очилади. Бу давр анча ўрганилган, лекин янги фактик материаллар асосида қор истибодида даврида Туркистоннинг аҳволи, бунга жаҳид зиёлиларимизнинг баҳоси, империянинг руслаштириш сиёсати ва бошқа масалалар бўйича келтирилган аниқ ҳужжатлар мақолани ўқишли қилган.

Адабиётшуносликда кам ўрганилган ва кам эътибор бериладиган шоир, аслида биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизодадир. Китобга кирган "Сўфизода — миллатпарвар шоир" мақоласи ушбу кентикликини бироз тўлдиради. "Асқад Мухтор шеърляти" мақоласи ҳам, икчам бўлишига қарамай, фикрларга бой. Айниқса, мақолада шоир ва адиб аффризмлари кўплаб келтирилгани айни муаддо бўлган.

Китобнинг катта қисми Рауф Парфи ижодида бағишланган, дедик. Бу туркум мақолаларнинг сарлавҳалари ўзбек Олимнинг машҳур шоиримиз ҳақидаги тадқиқотлари йўналиши ва кўламини кўрсатади: "Рауф Парфининг адабий-эстетик қарашлари", "Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти", "Рауф Парфи

— таржимон"... Олим Олтинбековнинг ушбу китоби қизиқш билан ўқилиши тайин. Ҳам илмий савия, ҳам баён енгиллиги китобнинг фазилатидир.

Адабиётшунос, публицист ва адиб Олим Тошбоевнинг "Ботиндаги бўрон" ("Адабиёт" нашриёти, 2021) китобида муаллифнинг адабий-илмий, публицистик мақолалари жамланган, уларнинг аксарияти ижтимоий мавзуларда. Китобга кирган адабий-илмий мақолалардан иккитаси айрича эътиборга лойиқ. Бири китобга ном берган "Ботиндаги бўрон", иккинчиси "Мен бир улкан дарддирман...". Аввалгиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўззам, иккинчиси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижодида бағишланган. Ҳар икки мақола содда ва қизиқарли услубда ёзилган, айни пайтда уларда катта масалалар қамраб олинган. Бир ўринда муаллиф адибнинг "ҳикоячиликнинг энг оғир савдоси — қандай ёзиш кераклиги" санъатини эггаллаган бу адиблар "нимани ёзиш керак"лиги масъулиятини эггаллашда сал оқсаяптилар..." деган гапини келтирадиги, бу бадиий ижод соҳасидаги энг нозик нуқталардан биридир. Чунки "нимани ёзиш" фақат ижтимоий ҳаётга эмас, ҳар бир ёзувчининг иқтидор даражаси ҳамда қалб структураси, жуда олисдан келаётган ботинига, генига боғлиқ.

Шоир, таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабековнинг "Ёшларга дил сузларин. Ёш ижодкорларга самимий тавсиялар" ("Адабиёт" нашриёти, 2021) номли рисоласи, сирдан қараганда, ёшларга мўлжаллангандай туюлса-да, аслида барча — ёшу кекса ижодкорлар учун қўл маънавий озуқа берадиган манбаа. Китобда кўплаб масалаларга дахл қилинган, улуг зотлар билан боғлиқ ибратли воқеа-ҳодисалар қаламга олинган. Лекин китобдаги жами

воқеликни бирлаштирувчи муҳим бир омил бор, бу — иймон-эътиқод бутунлиги ва софлиги.

Тўпламдаги "Адабиёт одоб демакдир" дея номланган мақолада ёзилади: "Адабиёт моҳиятган адабдан иборатдир. Адабиёт инсон қалбини, виждонини, иймонини, ахлоқини, маънавиятини, адолат ва ҳақиқатини ҳамда бошқа инсоний хислатларини тарбия қилиб борувчи ҳикмат манбаидир". Бу гапларни муаллиф, яъни Мирзо Кенжабек азалий ва абадий ҳақиқатларга таяниб, қатъийлик билан айтмоқда.

Яна бир мақола сарлавҳасидаги фикр ҳар бир ижод аҳли учун шаръий амал кабир, яъни — "Ижод аҳлининг ўз ахлоқий мезони бўлиши керак". Иймон, эътиқод эса бунда йўлчи юлдуз, яъни йўл кўрсатувчидир. Иймон, эътиқод йўқ жойда ижод тала, яратилган асар бетайин, ҳатто зарарли бўлади.

Адабиёт, унинг ажралмас узви бўлган адабий танқид иймон, эътиқод муҳофазасида собит турмоғи лозим. Акс ҳолда, зиммадаги вазифани бажармайди, обрў-эътиборини йўқотади.

Иймон кенг қамровли тушунча бўлиб, агар адабиётга татбиқ этиладиган бўлса, у бадиий асарнинг юксак, яъни эзгу ғоявийлиги, ифода-тасвирнинг инсонийлиги, қадриятларга шак келтирмаслик, олий ахлоқ-одоб ва ялпи гуманизмни ўзида жамлайди. Бу адабий асар нуқул эзгулик тасвиридан иборат бўлиши керак, дегани эмас. Ҳаёт — зиддиятлар макони. Эзгулик ва ёвузлик кураши абадий жараёндир. Фақат муаллиф ўзининг энг юқори кузатув нуқта-сида, яъни идеалида иймон, эътиқод доирасида бўлиши шарт. У ахлоқсизлиқни тасвирлаганда ҳам юксак ахлоқ соҳиб бўлмоғи лозим.

Иймонсизлик чалқаш, бетайин ғояларнинг адабий асарга кириб келишига шароит яратади. Бу эса адабий танқид, адабиётшунослик асарда олға сурилган ғоя, яъни бадиий концепцияга жиддий эътибор қаратиш заруриятини тугдиради. Бадиий асарни ғоявий нуқтаи назардан баҳолаш, яъни ғоявийлик талабини тиклаш, қуғча эндириш зарур. Ғоя, ғоявийлик — совет тоталитар тузумининг ихтироси эмас. Азал-азалдан йирик умуминсоний ғоя юксак бадиий йўсинда, жонли образлар воситасида акс эттирилганда буюк бадиий обидалар вуҷудга келган. Ноинсоний ғоя ҳеч қачон буюк бадиий асарга мўя бўла олмайди. Бу уч бирлик — ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик — аялтилик қасб этмаган жойда катта адабиёт, буюк санъат ярамлайди.

Тақдор айтадиз, шаҳар бедарвоза эмас, дегандек, адабиёт ҳам бедарвоза эмас. Унинг муқаддас ҳудудига ҳар қандай ғоя, воқеа ва кечинмаларни олиб кириш мумкин эмас. Адабиёт ёмонликдан, бадбинликдан асранмоғи лозим. У ҳеч қачон маънавий таҳдид қуролига айланмаслиги, аксинча, бундай таҳдидга қарши фаол курашмоғи керак.

Адабий танқид эса ҳаммаша маънавий соғлом адабиёт тарафида қоим туриши лозим.

Маънавий соғлом адабиёт — бу иймонли адабиёт деганидир.

Сувон МЕЛИ,

филология фанлари доктори

БАХШИНИНГ ИККИ МУЛКИ

Эл-юртимизга яхши таниш Қодир бахши Раҳимов Шеробод достончилик мактабининг ижро усули ва йўлларини, аъналарини ўзлаштирган бахшилар сирасидандир.



Ўзига хос ижрочилик маҳорати, сўзга чечанлиги, аънавий эпик сюжетларни жуда яхши билиши ва бадиий ҳофизаси кенглиги билан ажралиб турувчи атоқли санъаткор бу йил 85 ёшини қарши олди. Унинг бахшичилик санъатига меҳр қўйишида дастлаб оиладаги муҳит туртки берган. Кейинроқ даврининг машҳур бахшиси Умир шоир Сафаровнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Қодир бахшига дастлаб бобоси Турди шоир, тоғалари Ҳазратқул бахши, Нормурод Ражаб ўғли каби устозларнинг ижро маҳорати илҳомий таъсир кўрсатган. Бу ҳақда бахшининг ўзи шундай деган: "Қўлимга дўмбира олиб, давраларда сўз айтиш, достон қуйлаш, терма тўқиш таърибидан шу нарсаси аён бўлдики, бахшининг иккита мулки бор: бири — сўз, иккинчиси — дўмбира. Дўмбира чертишни Умир шоир ва тоғам Ражаб бахшидан ўрганганман".

Қодир бахши репертуари асосини терма ва достонлар ташкил этса-да, у кўплаб эртак, афсона, ривоят, мақол ва қўшиқларни ёддан билган. Мухлислар талабига биноан кўплаб достонларни қуйлаган бўлса-да, "Алпомиш", "Гурулли" туркуми, "Қутлугиш" каби халқимиз севиб тинглайдиган достон намуналарини энг кўп ижро этган бахши-шоирлардан бири Қодир бахшидир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бахши етимишдан зиёд аънавий ва замонавий достонларни маҳорат билан ижро этган. Ушбу намуналар илҳосмандлар,

мутахассислар томонидан тўй ва маъракаларда, тадбирларда аудио қўйинишда, баъзилари эса қўлёзма шаклда ёзиб олинган, аксарияти тўлиқ қўйрилган эмас. "Гурулли" туркумига оид "Зайдиной", "Гулпоной", "Нурали ва беш юз муллабачча", "Жорхун мастон", "Малла савдогар", "Бектош араб", "Алпомиш", "Қутлугиш", "Ёзи билан Зебо" каби намуналар аудио ва қўлёзма нусхада ёзиб олинган. "Зайдиной", "Жорхун мастон", "Ойчинор", "Норгуло", "Ёзи билан Зебо" достонлари чоп этилган. Бахши достонлар билан бир қаторда, илҳосмандларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий термалар ҳам ижод қилган. Бундай ҳолатлар нафақат Қодир бахши репертуари учун, балки шу даврда яшаган Қора ва Чори Умировлар, Шоберди бахши Болтаев, Хушвақт Мардонқулов, Ҳазратқул бахши Худойбердиев, Шомурод Тоғаев ва бошқа бахшилар учун ҳам одат тусига кириб, мавзулар ижтимоий-лаша бошлаган. Бу эса ҳаётини мавзулардаги термаларни халқ қўшиқлари оҳангига мослаб қуйлашга йўл очган. Аънавий мавзудagi "Дўмбирани", "Нима айтй?", "Айрилса", "Булмайди", "Не ёмон?", "Яхшидир" каби термалар билан бир қаторда, она Ватан мадҳи ва соғинчи, муҳаббат, дўстлик, меҳнатсеварлик, инсонийлик фазилатларини улуғловчи дидактик характердаги мавзулар, шунингдек, жамиятдаги салбий қусурларни танқид қилувчи намуналар ижро этилиб, бахшининг тафаккури ва дунёқарашига кечаётган ўзгаришларни намоён қилиб берган. Қодир бахшининг "Ўзбекистонимсан", "Қарши чўлин чўл деманлар", "Дехқонбодсан", "Қашқақдарё", "Бўзлаб келар", "Салом йўлласам", "Охува" ва бошқа кўплаб термаларида мавзунинг янгилиниши, шеърини шаклланинг ёзма қўйинишда қатъийлашуви кўзга ташланиб туради. Булар замонавий руҳда ижро этилган бўлса-да, уларда аънавий терма жанри хусусиятлари мавжуд.

Бахши ёрнинг ҳажри ва жамолини тасвирлар экан, уни меҳнат билан ҳамнафасликда ҳис этади. Ёрнинг висолига етиш орзуси ҳам меҳнат мавзусига уйғунлаштирилган:

**Ёримнинг кўк сатин қўйлаб бор,
Ғалаба қилай, деган тилиги бор.
Тилиги бор, тилигига етар ёрим,
Меҳнат қилса, толмаган билаги бор.**

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Гарчи бахши Умир шоирдан кўплаб аънавий достонларни оғзаки ўзлаштирган бўлса-да, саводхонлиги, қор этилган достон намуналарини ўқиб-ўзлаштириши унда янгича эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг шаклланишига олиб келди. Натижада бахшида бир достончилик мактабига хос ижро усулини иккинчи мактаб ижросида қўлаш таърибаси шаклланди. Унинг репертуаридаги достонларнинг баъзилари устозларидан оғзаки эшитиш орқали ўзлаштирилган бўлса, "Қутлугиш", "Зайдиной", "Рустамхон" "Муродхон" ва бошқа достонларни у қўли ўзлаштирган.

Қодир бахши ўз ижоди билан достончиликнинг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, достон ижро этиш жараёнида нафақат сўз маҳоратига, балки дўмбира ижросига, достон воқеаларидаги эпизодларни тасвирлашда эса, ҳар бир жараёнга алоҳида эътибор қаратди.

Таниқли тадқиқотчи Урол Ўтаев бахши билан ишлаш жараёнидаги кузатувлари асосида қуйидаги фикрларни баён этган: "У "Охува" куйини четганида шўх қизларнинг, ёш-аялларнинг сой бўйида, сўлим дараклар соясида арғимчор қаётгани, бир-бирини қуналашиб ўйнаётганини кўз ўнгимизда намоён бўлар... "Иқболой", "Ўғиллой", "Қўй қайтарини", "Қизлар сайли" куйларини ижро этганида эса дўмбира торларидан си-зиё чиқаётган нолаюқ фиғон, шодлик садо-лари киши қалбини беихтиёр аллаларди". Фольклоршунос А.Эргашев бахшининг юзга яқин куйларини ижро этганини алоҳида таъ-кидлайди. Аънавий достон куйларининг 32 та экани илмий жиҳатдан изоҳланганини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, бахши кейинги даврларда мақом йўналишидаги изланишлари асосида дўмбира куйларини уйғунлаштирган.

Қодир бахши аънавий достонларни маҳорат билан ижро этишда устозлари изидан бориб, достончиликда бекиёс намуналар яратди ва ўзбек достончилик санъатининг йирик вақилларидан бири сифатида номи тарихимиз зарварқларига битилди.

**Насим ОЧИЛОВ,
Қарши давлат университети
кафедра мудири,
филология фанлари доктори**

Инсон умри кўз очиб юмгунча ўтиб кетишини тушуниб етганимизда кеч бўлар экан. Ёшлиқда тезроқ улғайишни орзу қиласиз, аммо йиллар ўтиб кетаётганини пайқамайсиз. Интилиш, изланиш жараёналирида устозларимиз бизга доим тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу меҳрибонликларни баъзида англаймиз, баъзида эса эътиборсиз қолдирамиз. Менинг устозларим барчаси бағрикенгликда бири биридан устун инсонлар бўлган. Айниқса, атоқли олим филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиевнинг ёшларга, она тилимиз равнақиға жон қуйдиргани барчамизга яхши маълум.

БАҒРИКЕНГ УСТОЗ



Суратда: Чандан — Ёрмат Тожиев, Озод Шарофутдинов ва Омонулда Мадаев.

Профессор Ёрмат Тожиев ўтган асрнинг саксонинчи йилларида номзодлик диссертациясини ёзиш ва ҳимоя қилишида йўл-йўриқ кўрсатган, айниқса, докторлик диссертацияси устида ишлаганида қимматли тавсиялар берган.

Орадан йиллар ўтиб, ҳаёт тақозоси билан ёз кунларидан бирида устоз билан учрашганимизда қаерда ишлаётганини сўраганимизда Гулистон университетиде, вилоятга қатнаб ишлаётганини айтди. Шунда устозни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ташкил этилган "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасига тақлиф қилдим. Домла бу тақлифнинг мамнуният билан қабул қилди. Шу тариқа 2020 — 2021 ўқув йилининг сентябрь ойидан катта тажриба, қуқур билимга эга Ёрмат ака билан бирга ишлаш бошлади. Домла илмий фаолиятининг асосий йўналиши нутқ маданияти масалаларига бағишланган бўлиб, бу санъат ва маданият соҳаси мутахассисларини тайёрлашда катта аҳамиятга эга эди.

Устоз Ёрмат Тожиев томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият

институти "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасига тўхда қилинган "Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари", "Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари амалиёти" (М.Маллабоев билан ҳаммуаллифликда) номли қўлланмалари биз учун қимматли ёдгорлик бўлиб қолди. Ушбу китоблардаги юракдан айтилган фикрлар қанчалар муҳимлигини яна бир бор ҳис этаман. Хусусан, "...ўзбек тилини ҳурмат қилган, унинг бойлигидан оз бўлса-да баҳраманд бўлган ва шу асосда унга меҳр қуйган ҳар бир киши, ҳар бир зиёли бу тилининг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Энг асосий ва долзарб масалалар ҳақида фақат тилшуносларгина эмас, балки адабиётчилар, бошқа соҳа мутахассислари, барча зиёлилар, кенг жамоатчилик кўплаб фикрлар билдиришати, ўз мулоҳазаларини, истакларини баён қилишяпти. Қўпчилик томонидан қайта-қайта тақорланаётган энг асосий муаммо шуки, ўзбек нутқи маданияти масалаларини оммабоп тарзда ёритиб беришчи махсус қўлланмалар нисҳиятда камдир".

ЁДНОМА

Нутқ маданияти масаласи, айниқса, маданият соҳаси ҳодимлари учун сув ва ҳаводек зарурлиги тобора ойдинлашиб борапти. Институтда асосий мутахассислик фани сифатида "Саҳна нутқи" ўқитилади. Лекин "Саҳна нутқи" билан "Нутқ маданияти" орасида маълум даражада тафовут, ҳар икки йўналишнинг ўзига хосликлари бор. Яъни "Саҳна нутқи" актёрнинг ўз нутқи эмас, у асар қаҳрамони нутқи. Актёр уни юксак маҳорат билан томошабинга манзур тарзда ижро этади. "Нутқ маданияти" да эса, ҳар бир шахснинг нутқ малакаси назарда тутилади.

Тил хусусида билдирилган кўплаб турлича фикрларни келтиришимиз мумкин, лекин хусоса шуки, она тили муқаддас ва мўътабар. У инсонни шакллантирган, тараққиёт сари етаклаган, унинг ақл неъматларини ифода этиб, тафаккур гулшани дарвозаларини очган тенгсиз бир робитадир.

Тилимизнинг бугунга қадар омон-эсон келишининг асосий боиси халқимизнинг ўз она тилини жонидан севиши, Ёрмат ака сингари устозларимизнинг машаққатли меҳнатлари н

МАКТАБ ҲАЁТИДАН

Бугун порлоқ келажак сари қадам қўётган ёшлар ҳар соҳада изланиш-моқда. Улар сафида Хоразм диверининг дилбандлари — Огаҳий бобомизнинг издошлари ҳам азгу мақсадлар сари илдам ҳаракат қилмоқда. Зеро,

«ИЛМ — ГАНЖДИР...»

"Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким, кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго" деган Огаҳий бобомиз. Мактабимиздаги таълим-тарбия жараёни ўқувчилар учун ҳам мазмунли ва ҳам мароқли кечаётир. Устозларимизнинг янги педагогик технологиялар ва замонавий услублардан фойдаланиб бераётган билимларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзимизда кўникма ҳамда малака ҳосил қилаймиз. Айниқса, Урганч давлат университетининг малакали педагоглари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими ташаббуси билан келган ижодкор-устозларнинг маҳорат дарслари биз учун жуда қимматлидир.

Улар пухта билим беришмоқда. Машғулотлардан кейинги соатларда назм, наср, драма, публицистика, таржима, мусиқа ва бошқа тўгарак машғулотлари бизга маънавий ҳордик, шу билан бирга, куч, илҳом бахш этмоқда.

Ҳар кун янги ўқиган китобларимиз ҳақида фикрларимизни ўртоқлашишга одатланганмиз. Кечки пайтда миллий мусиқа чолғуларида машқ қиламиз. Мусиқа машқлари шунақанги мароқлики, шуғулланганинг сайин янада мукамал чалишга интиласан. Шу кунларда "Яллама ёрим", "Янги тановор" куйларини чалишни ўргандик.

Мактабимиз — ҳақиқий билим ва маънавият уюми. Мен шу мактаб ўқувчиси эканимдан фахрланаман ва устозларга муносиб шогирд бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Чаросхон МАТЧОНОВА,
10-синф ўқувчиси

ҲАЁТДАН КУЧ ВА ИЛҲОМ ОЛИБ



СЎЗ

Тийра бўлган дилни ҳар дам
кўл нурафшон этди сўз,
Гоҳ нурафшон ўлган дилни
хору яқсон этди сўз.

Анда нодон этса пайдо
сўз гадо нодон аро,
Қилса доно бирни барпо,
шоҳу султон этди сўз.

Ул алиф қоматли гул
дол ўлди сўзнинг васфидин,
Чунки онинг тар дилин ҳуб
қирмизи қон этди сўз.

Жоҳиллар оғзинда хору,
беқадр ўлди калом,
Шуаролар шеърисида
дунёни ҳайрон этди сўз.

Манки бўлдим шайдо шоир,
дахри дунё манга ёт,
Тийра бўлган дилни ҳар дам
кўл нурафшон этди сўз.

БОЛАЛАР БЕКАТИ

ШИРИН СЎЗ

Биласизми, болалар,
Қандай бўлар ширин сўз.
Кўнгилларга хуш ёқар —
Қанддай бўлар ширин сўз.

Дилдан жаранглаб чиққан,
Навога ўхшайди у,
Хаммани хушнуд этган
Сафога ўхшайди у.

Озор етмас кўнгилга,
Юз ёркин, ёнади кўз,
Меҳр туғилар дилда,
Сехрлидир ширин сўз.

ОПАЖОНИМ

Сулувларнинг гўзали,
Опажоним ўзлари.
Ширинсўз, ростгўйлигин,
Айтиб турар кўзлари.

Меҳнатқашдир, қўлигул,
Ҳар ишда чевар буткул.
Опажонимга атаб,
Кўшиқ айтади бўлбул.

Меҳрибоним, опажон,
Кўлиб юринг ҳар қачон.
Гулдек нозик кўнглингиз,
Ҳам кўрмасин ҳеч қачон.

Сарвара КАРИМОВА,
7-синф ўқувчиси

Нилуфар ЖУМАОБЕВА,
7-синф ўқувчиси



Сарвиноз БОЛТАЕВА,
7-синф ўқувчиси

НАЖОТ

Кўшимиз, яъни синфдошим Малика — аълочи қиз. У фанлардан доим "5" баҳо олади. Устозимиз уни "Мактабимизнинг фахри" дея маътайди. Ҳамма унга ҳавас билан қарайди.

Малика туғилган кунини нишонлаш учун бизни уйига таклиф қилди. Дугонамнинг шу кунлардаги бирдан-бир истаги — ўз телефони бўлишини жуда-жуда хоҳларди. Синфдошларим билан маслаҳатлашиб, унинг орузсини рўёбга чиқармоқчи бўлдик ва туғилган кунига янги телефон совға қилдик. Бу қутилмаган совғадан у хурсанд бўлиб кетди:

— Раҳмат, дўстларим! Сиздек синфдошларим борлигидан фахрланаман, — дея қайта-қайта таъкидлади.

Орадан бир неча кун ўтди. Афсуслар бўлсинки, шу телефон сабаб Маликанинг феъл-атвори ўзгариб қолди. Дарсларда ҳам фаол эмас, ҳамиша ҳаёли телефонда, ҳатто дарс пайтида ҳам телефони парта остига қўйиб, овора бўлгани бўлган.

Кунларнинг бирида Малика дарсга кечикиб келди:

— Нега кеч қолдинг? — десак, у:

— Кечаси билан телефон ўйнаб, эрталаб ухлаб қолдиман, — деди.

Мен Маликага қараб хўрсиндим:

— Афсус, минг бор афсус! Сенга телефон совға қилиб, биз катта хатога йўл қўйдик.

Кундан-кун Маликанинг фанлардан баҳолари пасая бошлади. Бир кун устоз телефони олиб қўйиб уни жазолади. Шу тариқа орадан бир йилча вақт ўтди. Мен уни қандай қилиб тўғри йўлга солиш ҳақида кечаю кундуз ўйлардим. Ҳаёлимга бир фикр келди. Унга фақат китоб ёрдам бериши мумкин.

Шанба кун. Малика билан бирга дарсдан чиқиб, уйга қайтаётган эдик.

ХИКОЯ



Қувонч кўзёшлари

Малика опа сахарда уйғониб кетди. Ҳали олам сукунат оғушида — ширин уйқуда. Аммо ухлаб олмади. Аста ўрнидан туриб дераза олдида борди. Ҳамон ой деразадан ўйчан муралар, юлдузлар мудрарди. Унинг қалбида ҳам, вужудида ҳам ғалати, шу билан бирга ёқимли безовталиқ уйғонди. Бугун унинг ҳовлисида шодибона. Кўзининг қорачиги, яккаю ягона қизининг никоҳ тўйи бўлади.

Деразга қараганча ҳаёлга толди.

Авалло, унинг кўз олдида қизи туғилган кун келди. Жуда қувонган эди ўшанда. Ўз жигаргўшасини бағрига илк бор босган кун чақалоқнинг ҳидидан кўнгли рашан тортиб, беозор йигисидан ҳавотирга тушган ўша лаҳзалардаги туйғуларини қайта ҳис қилди. У қизи билан биргаликда ўтказган кунларини мароқ билан эслар, юзида қувончли табассум акс этарди.

Бироз кўнгли равшан тортиди. Энди қизининг атак-чечак қилиб босган илк қадамларини, бир-икки қадам босган, йиқилиб тушганларини кўз олдида келтирди. У яна қадам босишга интилаётган қизини йиқилган жойидан тургазиб қўярди.

Бу лаҳзалар болаларга ҳам, оналарга ҳам олам-олам қувонч ҳадя этарди.

— Вой, тилларингта шакар. Ўзимнинг она қизим, гўзалим, жаннат гулим, — деб эркаларди қизининг тили чиқиб, энди гапира бошлаганда.

— Малика, юр кутубхонага борамиз, — дедим. Бувим: "Китоб бу — нажот. У сени тўғри йўлга соладиган ҳақиқий дўст" деган эди.

У эса, қўл силтаб қўя қолди. Унга яқиндим, аммо кўнмади.

Мана, яна унинг туғилган кунини яқинлашяпти. Мен энди фақат китоб совға қиламан. Шунда у ҳеч бўлмаганда қизиқиб китобни очиб қарар, эҳтимол, ўқиб кўрар, деган ҳаёлга бордим. Ўз-ўзимдан севиниб кетдим. Шунда Малика яна аввалгидай аълочи қиз бўлади, мактабимиз фахрига айланади.

Бугун унинг туғилган кунини. Унга жуда қизиқарли ва чиройли муқовали китоб совға қилдим. Дугонам китобни оларкан, менга шунчаки "Раҳмат" деб қўйди.

Маликанинг бу йилги туғилган кунини ҳам ажойиб тарзда ўтказишга ҳаракат қилдик. Туғилган кун тантанаси ниҳоясида унга: "Дугонажон, китобни очиб кўргин, жуда қизиқарли", дедим. Малика китобни очар экан, гўё унинг ичидан нур таралгандай туюлди. Совға унга маъқул бўлди, шекилли, менга қараб жилмайди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Маликада яхши томонга ўзгариш сезила бошлади. Аввалгидай мактабимиз фахрига айланди. Ва ниҳоят, дўстим китоб қанчалик қадрли эканини, инсон учун энг яқин дўстлигини тушунди. У энди мен билан ҳар кун кутубхонага борар, янги китоб олиб, қисқа вақт ичида ўқиб чиқарди. Ҳатто ўзим ҳам Маликага баъзида ҳайрон қоламан. Ахир, китоб уни ўзгартириб юборганди. Шунини тушуниб етдимки, китоб ҳақиқатан ҳам нажот, йўлимизни ёритувчи офтоб экан!

— Аяжоним, ўзимнинг аяжоним, — дерди қизи ўшанда.

Қизининг ширин кулгиси янграганда она барча ташвишларини унутиб юборарди.

Мактабга илк бор қадам қўйган дамларини айтмасизми? Китоб ўқий олмай тутилганда, шеър ёдлай олмай қийналганда, санокда адашганда ҳар доим қизига ёрдам берган.

Ширин хотираларга берилиб ўтирган онанинг ортидан майин овоз келди:

— Ойи...

— Ҳа, жон қизим, уйғондингми?

— Албатта. Нега ухламаяпсиз?

— Уйку қаёқда дейсан, қизим. Бугун туғилган уйингдан

чиқиб, олис кетасан-да...

Ой фонуси пилигини пасайтира бошлади.

Уйда одамлар тўплана бошлади. Ҳамма тўйда қамшидан бел боғлаб хизмат қилсам дейди. Она бўлса, борган сари юраги тилка-пора бўларди. Ўзи вояга етказган, оқ ювиб-оқ тараган қизи қўш мисоли ўзга боғга қанот қочишга тараддуд кўрмоқда. Азал-азалдан шундай бўлиб келган. У бўлса, қизидан ажралгиси, уни қўйиб юборгиси келмайдди. Аммо юракдан тошган ҳисслари устун келиб, кўз ёшларини сира тўхтаата олмасди... Ҳа, бу қайғу-алам эмас, қувонч ёшлари эди.

Дилнура БЕГМАТОВА,
8-синф ўқувчиси

ОРЗУЛАРИМ

Орзуларим осмондир менинг,
Сигдирмаган ой ва қуёшни.
Орзуларим уммондир менинг,
Чарчамаган силлиқлаб тошни.

Орзуларим юлдуздир менинг,
Шуълаланиб боқади ерга.
Орзуларим ирмоқдир менинг,
Кун келиб айланар баҳрга.

Орзуларим қуёшдир менинг,
Зулматда ҳам сочади ёғду.
Орзуларим — қапалак менинг,
Орзуларим — ҳуркак бир оху.

Орзуларим — лайлак қор менинг,
Ер ахлига бахт улашувчи.
Орзуларим — оқ тулпор менинг,
Булутларга чин дўст бўлгувчи.

Наргиза МАТҚУРБОНОВА,
9-синф ўқувчиси

ТАРЖИМА

ЭШАК,
ТУЛКИ ВА ШЕР

Эшак билан тулки аҳил ўртоқ бўлиб, доимо бирга юришарди. Эшак кўкат еса, тулки қўшни ҳовлидаги товўқни ёки сут заводи-дан пишлоқ ўмариб, ямламай ютарди. Бир кун улар қутилмаганда шерга дуч келиб қолишди. Эшак қаттиқ қўрқиб кетди, лекин тулки уни тинчлантирди.

— Ўзим у билан гапла-шаман, — деди у.

Шундай қилиб, тулки шернинг олдида дадил юриб борди.

— Олий ҳазратлари, — деди у шивирлаб.

Эшак унинг сўзларини эшитмади. — Мен ажойиб режа ўйлаб қўйдим. Агар сен мени емасликка ваъда берсанг, аҳмоқ эшак-ни бир чуқурга олиб бораман ва сен уни хоҳлаганингча ейишинг мумкин.

Шер рози бўлди ва тулки эшакнинг ёнига қайтди.

— У бизни хафа қилмасликка ваъда берди. Лекин кел, у кўздан йўқолгунча бир жойга беркиниб турамыз, юр, — деди тулки. Шундай қилиб, тулки эшакни чуқурлик-ка олиб борди.

Шер эшакни кўрди, аммо барибир дастлаб хоин тулкига ташланди.

Қиссадан ҳисса шуки, хиёнат қилган хоин ҳам хиёнат қурбони бўлади.

ҚУЗГУН ВА ОҚҚУШ

Биз билган кўмирдек қора қузғун оққушга ҳасад қиларди. Чунки оққушнинг пати қордек оппоқ эди-да.

"Агар оққушдек яшаб, кун бўйи сузиб, сувга шўнғиб, сувда ўсадиган ўт-ўсимлик-ларни есам, менинг патларим ҳам оққуш-ники сингари оқариб кетади", деб ўйларди калтафаҳм қузғун.

Шунинг учун у ўрмон қирлардаги инини ташлаб, қўл ва ботқоқлиқлар сари учиб кетди.

Аммо у патини кун бўйи қайта-қайта ювса ҳам оқармади — қоралиғича қолаверди. Ҳат-токи кўлда чўкиб кетишига бир баҳа қолди.

Сув ўти ҳам маъқул бўлмади. У кундан-кун ҳолсизланиб, озиб, охир-оқибат ўлиб қолди.

Хулоса шуки, одатингиз ўзгариши таби-ат қонуниятини ўзгартиролмайди.

Инглиз тилидан 9-синф ўқувчиси
Муштарий БАҲОДИРОВА таржимаси.

Девор

Холида аянинг уйида бугун бахтли кун! Ахир, уйга чақалоқ келди! Холида ая севинчи ичига сиғмай ҳам кўнгли, ҳам уйи яқин қўшниси Нурхон опага суюнчилди. Нурхон ая ҳам ичига сиғмай қувониб кетди. Унинг қувончи Холида аяниқидан ортиқ бўлса ортиқ, кам эмас эди. Шундан ҳам билиш мумкин эдики, бу икки қўшни орасидан қил ўтмасди. Ўтмас эди...

Айни янги чақалоқнинг бешиқ тўйида нима бўлдию, икки қўшни ади-бадига бориб қолишди. Бу жанжал нимадан чиқди, икки аҳил қўшнанинг, қариндошдай азиз инсонларнинг ажралаганига ҳеч қим тушунмади. Бу ҳақда эшитганлар ҳайратдан ёқасини тутишарди.


— Ўзининг набиранг йўқ-да! Шунга оғир ботяптимми тўй қилётганим?! — деди Холида ая.

Нурхон ая бу гапдан бир қалқиб тушди, сўнг атрофидаги одамларга тикилди. Ҳамма унга ачинаб қараб турганди. Шунда равшан бўлдики, Нурхон ая шу гапгача бўлган барча ҳақорату сўкинчларни кечирарди, аммо бу гапни асло унута олмасди!

Қўшнilar бир-бирига терс қараб уйларига кириб кетишди.

Энди бир вақтлар ораларидан қил ўтмайдиган қўшниларнинг ҳов-лиси орасига баланд девор тикланди...

Миржалола РАҲМОНБЕРГАНОВ,
7-синф ўқувчиси



Эркин Бозоров. "Тулхайри" (2021).



Абдумажид Соатов. "Заррин замин неъматлари" (2022).



Равшан Аҳмедов. "Боғдаги учрашув" (2022).

Тошкентдаги "Фотосуратлар уйи"да "Кукка парвоз" гуруҳининг "Мен рассомман!" деб номланган кўргазмаси очилди. Экспозициядан Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икромжонов ва унинг шогирдлари Сирожиiddин Аҳмедов, Эркин Аралов, Равшан Аҳмедов, Эркин Бозоров, Хуршид Иброҳимов, ижод намуналари ўрин олган. Рассомлар яратган композиция тасвир услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг барчаси меҳнат, маҳорат маҳсулидир.

Рассом Акмал Икромжонов бир неча йиллар давомида Миллий рассомлик ва дизайн институтида дарс бериш билан бирга, истеъдодли шогирдларини ижодга йўналтириб келаётгани эътирофга лойиқ. У нафақат шогирдларини ижодий иш устида уюштилади, балки улар қаторида ижод қилиб, шогирдларига ўз дастхатини топишга яқиндан қўмаклашади.

З.Қаюмовнинг "Истиффор", Э.Бозоровнинг "Дарвиш", Ж.Чоршанбиевнинг "Тушдаги саҳнат", У.Ражабовнинг "Афросиёб ишқи", М.Маҳмудовнинг "Мажнунот", С.Аҳмедовнинг "Конструктив композиция" каби асарларида инсоннинг табиатга муносабати, тарихий ва замонавий шаҳар, кишлоқларнинг манзараси, аҳолининг турмуш-тарзи, она ва бола ҳаёти турфа рангларда тасвирланган.

Бугунги томошабин замондош рассом-ижодкор асарларини кузатар экан, унга ўзининг дунёқараши, санъатни қанчалик тушунишидан келиб чиқиб баҳо беради. Шундай экан, кўргазмада намойиш этилаётган асарлар, уларнинг муаллифлари ҳақида мулоҳаза юритиб, ҳулоса чиқаришни ҳар бир томошабиннинг ўзига ҳавола этамиз.

Сарвара ҚОСИМОВА

ХОТИРА

БАҒРИ КУЮК ЛОЛА ЖИЛВАСИ

Фарғона вилоятининг сўлим табиати, илк севги изтироблари, теварагидаги олам, турфа инсонлар, қир-адрлардаги бағри куюк лолақизғалдоқлар, бепоеъ кенгликлар бешариқлик Ғайрат Худойназаровга илҳом бағишлаганди. 1982 йили ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида таҳсил олаётган, айни орзулари ушалаётган бир вақтда шафқатсиз ўлим ёш шоирни тириклик бўстонидан юлиб олди.

Унинг содда ва сокин, жимжимадан холи шеърларида ёш қалбнинг нафис кечинмалари, ширин дардлари барқ уриб туради. Яқинда "Oltin meros press" нашриёти томонидан марҳум шоирнинг "Илк севги" номли китоби чоп этилди. Китобга киритилган шеърлардан айримлари эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ғайрат ХУДОЙНАЗАРОВ

ЗУМРАД ТОНГЛАР ХАБАРИ



ТОНГ

Аста-секин отаётир тонг,
Чор атрофим қандайин лобар.
Қаердадир сайраб шўх булбул,
Зумрад тонгдан бермоқда хабар.

Хув, кўринди тоғ ўркачида,
Мисли чўғдек қизариб қуёш.
Юлдузлар-чи, кўринмай аста,
Ётоғига қўймоқдадир бош.

Кўй қарама менинг кўзимга,
Кўзларингга ҳеч кўнмасин нам.
Бу дунёнинг бор изтироби,
Бугун менинг кўзларимда жам.

Кўй қарама менинг кўзимга,
Узлади умиднинг жони.
Ахир, менинг қорачикларим,
Ғуссаларнинг қора зиндони.

ЁМҒИР

Ёмғир ўтди теракзор узра,
Сунг зулмат кўксига юлдузлар ёнди.
"Шошмангиз. Осмонда мен ҳам бор" дея
Тулин ой чўчиб уйғонди.

Ёмғир савалаган нимжон новдалар,
Шалаббо япроқлар қалтирар.
Ой нурида адл тераклар тани,
Қиз бадани каби ялтирар.

"Дир-дир" этиб том устида,
Варрак или узилди.
Ҳатто ариқ лабидagi
Лой кўргонлар бузилди.

Болалигим — варрак бўлиб
Учиб кетди қалбимдан

Ва илк бора чўчиб тушдим,
Юрагимнинг зарбидан.

Сўнги бора тикилдим мен,
Уша таниш кучага
Ва болалик титраб турган,
Қантак ўрик учига.

Сен ёнимда эдинг, у чоқ
Ёнимда,
Яшнаб борар эдинг,
Эркам, кун сайин,
Мен эса қуйлардим,
Кўлим оҳанги —
Баҳор елларидек мусаффо, майин.

Энди-чи, сен йўқсан —
Қайларга кетдинг,
Қалбимга қолдириб муҳаббат изин?
Мен ҳамон қуйлайман,
Лек энди улар —
Кузги шамоллардай
Ғамгин ва ҳазин...

БАҲОР

Баҳор келди,
Қувонч тўлди.
Дилимизга, дилимизга,
Баҳор ҳиди тўлиб кетди,
Элимизга — элимизга.

Жилдир-жилдир,
Шилдир-шилдир,
Сув оқади ариқларда.
Ажиб сурур, ялтирар нур,
Ялпиз, майса, ажриқларда.

Қушлар сайра,
Кўнгил яйра,
Мамнун бўлиб гулбаҳордан.
Қуй таралар,
Сув тарқалар,
Ариқ, жилға, сой, анҳордан.

Қучоқ очиб,
Нурин сочиб,
Қўқда кезар бобо қуёш.
Кел ўйнайлик,
Кел қувнайлик,
Азиз ўртоқ, азиз тенгдош!

ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари



хотираси давлат музейида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди билан ҳамкорликда таниқли шоир ва публицист Фулом Мирзонинг "Эй, дарвеш (Зулмни енгган мазлумлар қисмати)" китоби тақдими бўлиб ўтди.

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, китоб муаллифи Фулом Мирзо қатағон қурбонлари мавзусига доир илмий изла-нишларни изчил давом эттириш лозимлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш ишлари жадаллашди.

ТАДБИР

«ШОМ ТОВУШИ»

Ёшлар ишлари агентлигининг "Китоб олами" мажмуасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шухрат Орифнинг "Шом товуши" китоби тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда устоз ёзувчи-шоирлар, ёш ижодкорлар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, филология фанлари номзоди Олим Тшбоев, фалсафа фанлари доктори, профессор Кўёмиддин Назаров, публицист Миродил Абдурахмонов шоирнинг янги китоби ва бадий маҳорати ҳақидаги самимий фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Таниқли санъаткор Шухрат Дарё шоир шеърларига басталанган куй-қўшиқлари билан даврага кутаринки руҳ бағишлади.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

ЕТМИШ ЙИЛДА
ТИКЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

моатчиликка етказишга оид илмий-тадқиқот ишлари, бадий-ҳужжатли асарлар яратилмоқда. "Машраб" нашриёти томонидан чоп этилган "Эй, дарвеш (Зулмни енгган мазлумлар)" номли китоб ҳам айни шу мавзуда. Қисса тарихий ҳужжатлар ва шахсий хотиралар асосида битилган.

Маълумки, XX асрнинг олтинчи йилларидаги "илиқлик даври"да катта қатағон қурбонлари орасидан айрим таниқли зиёлиларнигина қисман оқлаш йўлидан борилган. Бунинг сабаби шуки, агар ўшанда ноҳақ қатағон этилган миллионлаб оддий кишилар ҳам ялли оқлаб юборилса, советлар тузуми зулмкор бўлгани тўғрисидаги ҳақиқат очилиб қоларди, оқибатда халқнинг ишонсизлиги ва норозилиги кучайиб кетиши мумкин, деб қаралган.

Оқибатда "халқ душмани" деган сохта айблов билан қатағонга дучор этилган ушбу

китоб қаҳрамонлари — ота-бола Мирза Тўлаев ва Абдирайим Мирзаевнинг оқлашиши учун етмиш йил вақт керак бўлди. Бунга қадар эса совет даврида дину эътиқодида мустаҳкам турган Мирза Сўфи бобо ўн йил, ўғли Абдирайим бобо олти йил қамоқ жазосини ГУЛАГ — Ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари бош бошқармасининг меҳнат-тузатиш лагерларида ўтаб қайтганлар. Ушбу китоб муаллифининг муҳолати асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 1949 йили қатағонга учраган М.Тўлаев ва А.Мирзаевга нисбатан инсон ҳуқуқлари қўпол бузилганлиги ҳолатлари юзасидан ҳулоса тайёрланди. Шу асосда ва архив ҳужжатларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига протест киритди.

Ҳарбий суднинг кассация инстанцияси судлов ҳайъати 2019 йил 30 декабрда М.Тўлаев ва А.Мирзаевларга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилди. Ота-бола вафотидан сўнг айбсиз деб топилди ва оқланди. Етмиш йилдан сўнг ушбу инсонларга нисбатан адолат қарор топди.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарвар сиёсати туфайли юрти-мизда мустабид шўролар тузуми даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг пок номларини оқлаш, улар хотираларини абадийлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлардан биргина мисолдир.

Тақдимот маросимида китобнинг яратилиши тарихи, ҳужжатлар билан ишлашга оид саволларга батафсил жавоб берилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА

ҚАЙДЛАР

ЎЙЛАБ ҚАДАМ БОС

Ўйлаб қадам бос. Ҳатто қуланган мақсадга бир қадам қолганда ҳам.

Кўли эгрининг оёғи тўғри бўлмайди.

Тил югурдак дейишади. Аммо қўл ва оёқлар ундан қолишмайди.

Фикрнинг оёқдан олдин юргани маъқул.

Ҳаётда оёғидан чалинмаган инсон ўзганинг оёғидан чалмайди.

Ҳаёт экан-да, нимадандир кўз юмишга, нимагадир кўз ташлашга тўғри келади.

Сени осмонларга кўтарётганларида ерга қайти-шингни эсда тут.

Бахтга бир қадам қолган бўлса-ю, унга эришолма-дингни, демак, қадамни ўйлаб ташла.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

БОЛАЛАР БЕКАТИ

ЧУМЧУҚ ВА МУСИЧА

Боғимизда чумчуқча,
Мени эрта уйғотди.
— Кўзингни оч, Мусича,
Аллақачон тонг отди.

Бугун туғилган кунинг,
Уч ёшга тўлдинг сен.
Тўрт ёшга қадам қўйиб,
Катта қизча бўлдинг сен.

— Раҳмат, дўстим, чумчуқча,
Тонгда уйғотдинг мени.
Нон ушогидан бериб,
Бир меҳмон қилай сени.

Киргин уйга, кира қол,
Ушқоларни е, ма, ол.
Ташқари жуда совуқ,
Қўн ёнимга бемалол.

Катта бўлиб сендек мен,
Парвоз қилиб, учаман.
Қанотимни кенг ёзиб,
Осмонларга учаман.

БОҒ САҲНИ

Офтоб чиқиб оламга,
Заррин нурлар сочмоқда.
Офтобдан нурлар змиб,
Гуллар чирой очмоқда.

Ширин-шакар мевалар,
Хил-хил пишиб етилди.
Элим дастурхонига,
Сероб бўлиб тўкилди.

Улкан ўрик тагида,
Бешик усти очилди.
Бешиқдаги болага,
Она меҳри сочилди.

Офтоб суюниб боқар,
Шодон она болага.
Она жилмайиб боқар,
Ширинтойи болага.

НАВРЎ ЗАВҚИ

Олам саҳнини тўлдириб,
Баҳор келди, баҳор келди.
Эл-у юртга रिқ-у барака,
Такрор келди, такрор келди.

Қир-адирлар бағрини,
Яшилликка буркади.
Гул-чечаклар атрофга,
Ифрларин пуркади.

Кенгликларда ўйнашар,
Қизлар, ўғил болалар.
Даста-даста теришар,
Қизғалдоғ-у лопалар.

Пинҳона бир-бирларин,
Танлаб, сирли қарашар.
Менинг юртимга Наврўз,
Жуда-жуда ярашар.

ҚАРҒА УМРИ

Мен қарғаман, қарғаман,
Юз қарғага дарғаман.
Қор-бўронни тўзгитган,
Қора қарға йўрғаман.

Биламан турқим қора,
Оқаришга йўқ чора.
Қишдан дарак берувчи,
Жарчиманда-да, бечора.

Шерободлик бир қарға,
Сизнинг тилини билармиш.
Гуша деган бу қарға,
Ғалпи қойил қилармиш.

Мен ҳам Гушага ўхшаб,
Ғапиросам қанийди.
Ҳамма одамлар менга,
Қойил қолса, қанийди.

Мансур ЗОИРОВ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:

inzo
akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган кўлхазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъула котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1106. Буюртма Г - 444.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарк»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Соғула нархи эркин.



ISSN 2183-614X

